

КАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Mustaqillik huquq demakdir

Н и қ ш қ



1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 1-avgust, №31 (864)

Жараён

Ифтихор

Баркамол авлодни шакллантириш йўлида

Мамлакатимиз мустақиллигининг ilk йиллариданоқ ҳукуматимиз томонидан фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Уларнинг мукаммал билим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилаётир. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, леб ном олган таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури биз танлаган "Ўзбек модели"нинг ажралмас таркибий қисмидир.

Шухрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг ўринбосари —
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурори

масалаларга алоҳида ургу берилган.

Шу маънода Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан ҳам бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жойлардаги меҳрибонлик уйларида мунтазам равишда ташриф буюриш аъёнага айланди. Ёш авлодни ватанпарварлик, она ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш мақсадида болалар муассасаларида "Ҳарбий ватанпарварлик" хоналари ёки бурчаклари ташкил қилинган. Бу масканлар тарбияланувчиларнинг тўлиқ ва мукаммал билим олишлари учун ҳарбий округ кўмондонликлари билан ҳамкорликда зарур адабиёт ва кўргазмалар воситалар билан таъминланган.

/Давоми 3-бетда/

Бош прокуратурада

Комиссия йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси ҳамда унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилчи ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратура ходимлари, Бухоро ва Андижон вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, прокурорлари ҳамда ички ишлар бошқармалари бошқалари иштирок этдилар.

Мажлисида ушбу вилоятларда одам савдосига қарши курашишга қаратилган қўнунчилик ижросини таъминлаш борасидаги фаолият юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари муҳокама этилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Бухоро ва Андижон вилоятлари ҳудудий идораларо комиссиялари, мазкур ҳудудлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, давлат бошқаруви идоралари, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бу борадаги қўнунчилик ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Жумладан, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, аҳолига унинг оғир оқибатларини етказиш мақсадида тарғибот тадбирлари ўтказиб келинган.

Бу мақсадда чегара ҳудудларда ва жамоат жойларида одам савдоси жиноятларидан огоҳ

этувчи кўргазмалар тарғибот ва ташвиқот воситаларини ўрнатиш ҳамда тарқатишга алоҳида эътибор берилган.

Амалга оширилган ишлар ўз самарасини бериб, сўнгги йилларда ушбу ҳудудларда одам савдоси жиноятларининг камайиши кузатилган.

Шу билан бирга, Бухоро ва Андижон вилоятларидаги айрим туман ва шаҳар комиссиялари фаолияти етарли самара бермаганлиги, одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда камчиликларга йўл қўйилганлиги танқид остига олинди.

Тадбирда жойларда ҳудудий идораларо комиссиялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви идоралари, жамоат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари бу борадаги фаолиятини янада жадаллаштиришлари, ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришлари лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилиш якунида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарор қабул қилиниб, ижро учун тегишли идораларга юборилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича
Республика Идораларо комиссияси



Истиқлол саодати

Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ,
Андижон вилоят прокурори

Инсон умрининг орзу-умидларга, куч-ғайратга тўлиб-тошган, эзгу мақсадлар сари дадил одимлай бошлаган навқирон ёшлик палласини баҳор фаслига қиёслайдилар. Айни пайтда истиқлолнинг 22-баҳорини фахру ифтихор билан қарши оляимиз. Зеро, муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кўҳна тарихнинг кўз очиб юмгунча фурсати мобайнида эришган ютуқларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Собиқ тоталитар тузумнинг хомашё етказиб берувчи мустамалакисига айлантирилган Ўзбекистон Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат, ислохотлар натижасида иқтисодиёти, саноати жадал суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлар қаторидан жой олмоқда. Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар кенгаймоқда. Бугун нафақат пахта хомашёси, корхоналаримизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли тайёр газламалардан тортиб автомобилларга, рақобатбардош товар ва маҳсулотларимиз дунё бозоридида ўзига йўл топтоқда. Уларни экспорт қилиб, олинаётган даромад юртимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириб боришга йўналтирилмоқда. Энергетика, хомашёни бирламчи қайта ишлашдан ташқари тугал, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, енгил саноат, электроника, кибернетика каби саноат тармоқлари жадал ривожланмоқда.

Иқтисодиёт ривожланиши баробарида ёш, билимдон, изланувчан, тиришқоқ касбкор эгаларига эҳтиёж ортиб боришини назарда тутган ҳолда таълим тизими ислоҳ қилина бошлаган эди. Ўн беш йил аввал қабул қилинган "Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури", "Таълим тўғрисида"ги Қўнунлар асосида умумтаълим, ўрта-маҳсус, касб-хунар таълимининг мустақам моддий базаси яратилди. Бюджет маблағлари ҳисобига шаҳар ва қишлоқлардаги мактаблар таъмирланди, янги мактаб ва касбхунар коллежлари қурилди. Сўнгги икки ярим йил мобайнида вилоятимиздаги 37 та мактаб, 2 та лицей, 11 та коллеж реконструкция қилинди ва капитал таъмирдан чиқарилди, 3 та янги мактаб бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Билим масканлари замонавий ўқув қуроллари, миллий ўқув дастурлари билан таъминланганди. Уларда билим олаётган ўқувчиларга сабоқ берувчи ўқитувчи-педагогларнинг маалакаларини муттасил ошириб боришмоқда. Айни чоғда вилоятдаги 742 та умумтаълим мактабларида 385 минг нафардан зиёд, 117 та касбхунар коллежлари ва 12 та академик лицейларда 157 минг нафарга яқин ўқувчилар билим олишмоқда.

/Давоми 4-бетда/

Ҳаётнинг бир қонуни бор, кимки ҳалоқ йўлини ташлаб, бориға қаноат этиб яшар экан, асло боши эгилиб, музаам бўлмайди. Аксинча, бундай ҳаётий меъёрларни, қонунарни четлаб ўтганлар эса ўз оналарини, давлат ва қонун олама жавобгар бўлиб қолаверадилар.

Даврон Мирзаев ва Баҳром Муҳиддинов бир неча йилдан бўён Тўрақўрғон туман ҳокимлигининг молия бўлимида турли нуфузли лавозимларда ишлаб келишарди. Улар кўпроқ обрў-этибор, ҳурмат топиш илминда тинмай ишлаб, ҳамкасбларига намуна кўрсатишарди. Нима бўлди-ю, аввалига Баҳромда айрим қусурлар пайдо бўлиб, бировларнинг чўнтагига қўз олайтиришни одат қилди. Дам ўтмай бу иллатнинг айрим кўринишлари Давронда ҳам кузатила бошлади. Бу пайтда у молия бўлими

Молиядаги қаллоблар

бошлиғи ўринбосари вазиғасига кўтарилган, Баҳром эса бўлим ҳисобчиси бўлиб ишладётган эди.

2011 йилнинг июнь ойида Баҳромга пул керак бўлди-ю, ўйлаб ўтирмай, таниш бўлиб қолган мактабгача таълим муассасаси мудирларини чақирди.

"Кимга мукофот пули керак бўлса, ўн фоизини олдиндан нақд берсин", деди у пинағини бузмай. Мукофот илнжида юрган, шусиз "иши битмаслиги"ни англаган бир неча богча мудирларини Баҳром айтган пулни (айримлари 200 минг сўм, айримлари 500 минг сўмдан) бериб, муассаса ходимларига мукофот ёздиришди.

Баҳром бора-бора бу ишларга мактабгача таълим муассасаси ҳўжалик мудирларини ҳам "торта" бошлади. Улардан

ҳам мукофот пули ажратиш эвазига гоҳ ўн, гоҳ йигирма фоизни олдиндан талаб қиларди. Бу орада бир неча муассасасага "Сино" русумли музлаткичларни харажат сметасига киритиш ва олиб келиш масаласи чиқиб қолди. Баҳром бундан ҳам унумли фойдаланиб, 23-мактабгача таълим муассасаси ҳўжалик мудирдан 200 минг сўм талаб қилиб олди. Иш осонгина ҳал бўлган, у яна бир неча мудира ва ҳўжалик мудирларидан пул йиғиб олди. 2012 йил давомида ҳам ўз "фаолияти"ни давом эттирди. Ҳар доимидек, мукофот пулининг 10-20 фоизи олдиндан унинг чўнтагига тушар, бу ҳам етмагандек, болаҳонлар еиши керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми у томонидан вилоятимиздаги бозорларда нақдига сотиларди. Тайинки, унинг талаби би-

Сардорбек УМАРОВ,
Наманган вилоят прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

лан ҳўжалик мудирлари ҳўжатларда бу маҳсулотларни "болаларга берилди" деган маънода зикр этиб, имзо ҳам қўйишарди. Шу тариқа Баҳром Муҳиддинов томонидан 2011 йилнинг декабри ойда "Тўрақўрғон турон сервис" МЧЖ томонидан етказиб берилиши лозим бўлган 10 млн. 998 минг 500 сўмлик ўтин, 2012 йилнинг март ойда 27 та мактабгача таълим муассасасига берилиши керак бўлган 15 млн. 333 минг сўмлик мол гўшти, картошка ва пиёз, июнь ойда 37 та муассаса учун ажратилган 18 млн. 537 минг сўмлик, жами 44 млн. 868 минг 500 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари марказлашган ҳолда тарқа-

тиш учун олиб чиқилиб, бозорларда нақдига пулланди. Расмий ҳўжатларда эса ҳаммаси "текислаб" юборилди.

Даврон Мирзаев ҳам ундан қолишмасди. У ҳам ўз мавқеидан фойдаланган ҳолда 2012 йил сентябри ойда 5-мактабгача таълим муассасаси мудираси Д.Исмоиловадан "мукофот пули ажратиш" эвазига маблагнинг 20 фоизини олдиндан санаб олди. Шунингдек, шу ойнинг ўзига яна бир неча мудирдан 4 млн. 600 минг сўм пулни шу баҳона билан йиғиштириб олишга эришди. Афтидан, у ҳам Баҳром каби осон келаётган пуллар эвазига боғишни қўзлаган эди.

Халқимиз топиб айтган: "Қўза кунда эмас, кунда синади". Ҳа, шундай бўлди, "қўза синиб", Баҳром Муҳиддинов ва Даврон Мирзаевнинг кирди-корлари фош бўлди. Шунингдек, тергов ҳаракатлари нҳоясига етган, қаллобликни қасб қилиб олган ҳар икки кимса суд ҳукми билан турли йилларга озодликдан маҳрум этилдилар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда авиакомпания хизматлари сифатини яхшилашга долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Шубҳасиз, бу йўловчиларнинг ўзини тўттиш маданийтига ҳам боғлиқ.

Қоидабузар йўловчи

Қаҳҳоржон МУКУМОВ,
Самарқанд транспорт прокуратураси терговчиси

Аммо баъзида самолётларда йўловчилар томонидан юриш-туриш қоидалари ва парвоз хавфсизлиги талабларининг қўпол равишда бузилиши кузатишмоқда. Жумладан, Алишер Қурбонов Россия Федерациясида икки йил ишлагач, қўшлогига қайтмоқчи бўлди. Москвадан "Внукова" аэропортидан Москва-Самарқанд авиарейсига авиачипта сотиб олди. Аэропортта рўйхатдан ўтиш учун келганида об-ҳаво нокулай бўлгани боис самолёт учиши белгиланган вақтдан кечиктирилганини эшитди. Бироз зериккан Алишер кўтиш залидаги дўкондан бир литр ҳажмли "Виски" спиртли ичимлигини сотиб олди. Шу ердаги тамаддонлардан бирига кириб, оз-оздан ича бошлади. Бу пайтда учишга рухсат берилгани эълон қилинди. Тахминан бир соатлар учганларидан сўнг Алишер қўлига "Виски"ни олди.

— Кечирасиз, самолётда спиртли ичимлик ичиш мумкин эмас, — деди унинг ёнига келган сподардесса.

— Нима, мен кимга ҳалақат берайман, — деди бироз кайфи ошган Алишер. — Тинчгина ичиб кетаяман. Шундай экан, менга ҳалақат берманг.

Сподардессанинг уринишлари зое кетди. Алишер ўз билганидан қолмади. Бироз вақт ўтиб, сподардесса яна келди. Бу вақтда йилит спиртли ичимликни ичиб тутатган, анча маст бўлиб қолганди.

— Менга қара, мени тинч қил, акс ҳолда ёмон бўлади, — деди ичкилик таъсирида шерга айланган йилит. — Бор, бошлиғингни чақир ё ўзим бораёйми?

У ўрнидан туриб, учувчилар хонасига киришга уринганди, экипаж аъзолари йўл қўймади. Тинчланишини, жойига ўтиришни илтимос қилишди. Бироқ Алишер уларнинг галлига қулоқ солмай, бақир-чақирни тобора авжига чиқарди. Экипаж аъзолари эса тинчланишни, акс ҳолда жиддийроқ чора кўришни айтишди.

— Нима, ҳали мени қўрқитмоқчи бўлаяйсизларми, кўрсатиб қўяман ҳозир, — деди Алишер. — Бағдадга сумкамда бомба бор. Мени тинч қўйинг. Акс ҳолда қўлимдаги буюмни ишга туширсам, бомба портлайди.

Табийки, бу гапдан кейин йўловчилар-у экипаж аъзолари ҳадиксираб қолишди. Тинчланишини, унга ҳеч қим ҳалақат бермаслигини айтишди. Алишер ўз билганича яна бақир-чақир қилиб келаверди. Бу пайтда экипаж аъзолари Самарқанд халқаро аэропорти ходимларини ҳолат юзасидан хабардор қилиб қўйишди. Аэропортга келиб қўнишган, Алишер ҳўқуқи муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди. Унинг буюмлари текширилганди ҳеч қандай портловчи ёки ёнғувчи жисмлар борлиги аниқланмади.

Иш судга ошди. Суд ҳукми билан маст ҳолатда ўзининг беэври қилиқлари билан йўловчи ва экипаж аъзоларининг тинчини бузган Алишер Қурбонов 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ноқонуний савдога чек қўйилди

Дилмурот МЕНГЛИЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Миробод туман бўлими
бошлиғи ўринбосари

Хозирги замонда одамлар уяли алоқа телефонларисиз ҳаётни тасаввур қила олмайдилар. Юртимизга ҳам уяли телефон аппаратларининг турли хиллари келтирилиб, сотувга чиқаришмоқда. Бундан эса баъзи кимсалар ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, ноқонуний савдога қўл ураётганликлари ошкор бўлди.

СВОЖЖДЛҚК департаменти ходимлари томонидан олиб борилаётган турли тадбирлар натижасида қонунларимизни четлаб фойда олишни қўзлаётган баъзи "тадбиркор"ларнинг қилмишлари фош бўлмоқда.

Хусусан, департаментнинг Миробод туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда аниқланишча, Сардор Эргашев, Одил Жўраев ва Абулқабр Ёқубовлар олдиндан жиноий тил бириктириб, чет эл давлатларидан келтирилган уяли алоқа телефон аппаратлари ҳамда турли техника жиҳозларини қонуна хилоф равишда сотиш билан шуғулланишган. Улар жиноий келишувга асо-

сан 2012 йилнинг июнь ойидан 2013 йилнинг февраль ойигача бохжона назоратидан яшириниб, айланма йўллар орқали чет эл давлатларидан республикамиз ҳудудига тегишли қирим ҳўжатлари бўлмаган 200 минг АҚШ долларилик уяли алоқа телефон аппаратлари ва турли хилдаги техника жиҳозларини олиб киришган. Шунингдек, суриштирув жараёнида уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ҳеч қандай ҳўжат расмийлаштирмаганликлари ҳам маълум бўлди. Улар юртимизга ноқонуний йўллар билан олиб қирилган маҳсулотларни "Абу Сахий" бозорига нақд пулга сотиб, 100 млн. сўм фойда кўришган-у, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни ҳаёлларига ҳам келтиришмаган.

С.Эргашев, А.Ёқубов ҳамда О.Жўраевларнинг вақтинча яшаб турган уйларида хорижда ишлаб чиқарилган, ҳеч қандай ҳўжатлари бўлмаган 12 турдаги 1900 тадан ортқ уяли телефон аппаратлари, ноутбуклар ва хориж валю-

талари топилиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Бу кимсалар айбларига тўлиқ иқдор бўлиб, савдо дўконларига сотиш учун бериб қўйилган яна 14 турдаги 130 донга уяли телефон аппаратлари ҳамда бошқа техника жиҳозларини ихтиёрий равишда тақдим этишди.

Ишни атрофлича қўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди юртни бедарвоза деб ўйлаган бу кимсаларга тегишли жазо тайинлаб, ҳўкм чиқарди. Унга қўра, учовлон бир йил давомида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳўқуқидан маҳрум бўлиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 320 баравари миқдорда жарима тўлайдиган бўлишди.

Нафс чангалида

Одилжон МАҲМУДХОНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Жиззах вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Инсон ҳаёти давомида ўзгаларга қанчалар кўп яшимлик қилса, шунчамак обрў-этибор қозониб, юксак ҳўрматга сазовор бўлади. Аксинча, эзгу ишларга қўл ўрмай, на жамиятга ва на одамларга нафи тегмаса, бу дунёда ўз ўрнини топа олмай, турли нопоқ йўлларга кириб кетаверади. Чўнки, бундай инсонни ҳаётда ҳеч қим ўзига дўст туттиси келмайди.

Суд томонидан ўзига нисбатан ўқилаётган ҳўқуқни тингларкан, Олим Исанов судьянинг "7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилсин", деган сўзларини эшитди-ю, юраги орқага тортиб кетди. Ичига бир нима узилгандек бўлиб, ўпкаси тўлди. Ҳаво етимабётгандек энтиқиб-энтиқиб нафас олар экан, оиласини бирма-бир қўз ўнгига келтириш баробарида, энди анча вақт уларни қўрқолмаслигини ҳис қилиб, эсанқираб қолди. Ҳа, ҳаммасига ўзи айбдор. Начора, энди кеч...

2012 йил 14 октябрга қўни кечга яқин Ш.Бозорбеков ўзининг бошқарувидаги машинада "Фориш-Хонбанди" автомобил йўлида эҳтиётсизлик оқибатида йўл-транспорт ҳодисаси содир этди. У оғир аҳволда туман марказий шифохонасининг реанимация бўлимига ётқизилди. Аммо шифокорларнинг кўрсатган ёрдамларига қарамасдан олган оғир тан жароҳати сабаб касалхонада вафот этди.

Ушбу ҳолат юзасидан туман ИИБТГ терговчиси Р.Ҳатамов томонидан терговолди суриштирув ҳаракатлари олиб борилади. Марҳум Ш.Бозорбековнинг ўлими сабаблари ҳамда олган тан жароҳатининг оғирлик даражасига аниқлик киритиш мақсидида суд-тиббий экспертизаси тайинланди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш Фориш туман суд-тиббий экспертиза бўлими мудир Олим Исановга юклатилди. Шундан

сўнг марҳумнинг мурдаси туман марказий касалхонасининг экспертиза хонасига олиб борилади.

Бу орада Т.Раҳмонов Олим Исановга учраб, эртаси қўни жаноза маросими тайинлангани ва қариндошининг жасадини тезроқ қайтариб беришини айтди. Олим Исанов эса ИИБ тергов гуруҳи томонидан суд-тиббий экспертизаси ўтказиш тўғрисида қарор борлиги, жасадини олиб кетиш учун ҳам харажати борлиги, 250 минг сўм беришлари лозимлигини айтди ва эшикни қўлфлаб уйига кетди.

Чорасиз қолган қариндошдан айтилган пулни олиб, эртаси қўни эрталаб Олим Исановнинг уйига боришди. У пулни қираверишдаги темир дарвоза ёнига қўйишни тайинлади. Пўра эвазига ўлим сабаби ва тан жароҳатининг оғирлик даражасини аниқлаш мақсидида тайинланган суд-тиббий экспертиза ўтказиш ҳақидаги қарор ижросини таъминламасдан, жасадини олиб кетишга рухсат берди.

Ушбу жиноят иши тергов давомида ўз тасдиғини топди. Вилоят суди бировларнинг қайғуси ҳисобига пул ишлаш илминда жиноят содир этган Олим Исановга етти йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Уч йил муддатга соғлиқни сақлаш тизимида ҳамда қорхона, ташкилот ва муассасаларда масъул ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳўқуқидан маҳрум қилинди.

Лаҳзада ҳаёт бор. Умрнинг ўтаётган ҳар они инсон тақдирини белгилайди. Уни мазмуни ё беэмазмун сарфлаш эса ҳар қимнинг ўз ихтиёрида. Нафс чангалли илминга бахт ва фаровонлик эшиклари ёпилиши муқаррар.

Баркамол авлодни шакллантириш йўлида

[Давоми.
Бошланғичи 1-бетда]

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини қобилият ва қизиқишига қараб мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳарбий лицей ва олий ҳарбий билим юрлари фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида Республика Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан давлат муқофотига сазовор бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мутахассислари жалб қилган ҳолда давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа шу каби тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасининг ахлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тай-

ёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттириляпти. Таъкидлаш жоизки, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларида фойдаланиши, бу масалага туман ва шаҳар жамоатчилигини жалб этиш мазкур вазифани адо этишнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналиши бўлаяпти.

Дарҳақиқат, мактаб ва коллеж ўқувчиларининг тўлиқ билим олиши, касб-хунар коллежларини тамомлаган битирувчи ёшларнинг ўз йўналишлари бўйича иш билан таъминланиши, ҳаётда ўз йўллари топиши энг муҳим масалалардан бири саналади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан Қуроли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг касб-хунар коллежла-

рини тамомлаган фарзандларини иш жойи билан таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. 2008 йил 30 майда "Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатлари тўғрисида"ги Низом тасдиқланган. Мазкур Низом ижроси бўйича Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан Қуроли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан мониторинг олиб борилиб, 2012-2013 ўқув йилида ҳарбий хизматчиларнинг касб-хунар коллежларида 3-курсда таълим олаётган барча фарзандлари билан уч тарафлама шартномалар тузилиши таъминланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 майдаги "2013-2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари қабул тўғрисида"ги Қаро-

ри ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирги кунда олинган маълумотларга қўра, Қуроли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари орасида 9-синф битирувчилари 450 нафардан ортиқ, ўрта-махсус, касб-хунар коллежларини тамомлаган битирувчилар эса 300 нафардан ортиқни ташкил қилади.

Шуни фахр билан таъкидлаш лозимки, юртимизда азал-азалдан ёш авлод тарбияси, фарзандларнинг илмий бўлиши, касб-хунар эгаллаши муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Бугун ёшларимизнинг, хусусан, катта ҳаёт оstonида турган битирувчиларимизнинг ҳаётда ўз йўллари топиб кетишлари, шу юрт келахагига дахлдор эканликларини ҳис қилишлари учун уларни қўллаб-қувватлашимиз лозим. Зеро, Президентимиз таъбирлари билан айтганда, юрт, миллат келахаги ёш авлод қўлида.

Табиатни асраш инсоний бурчимиздир

Янги асрга келиб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш энг долзарб вазифалардан бирига айлангани боис, Президентимиз раҳнаомлигида атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Авазбек КОМИЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

Биргина 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирларга жами 89 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган ўн беш нафар депутатдан иборат фракциянинг ташкил этилиши ҳам мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилаётганлигининг ёрқин далилидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2011 йил 10 ноябрдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жаҳият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги 94-сонли буйруғида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга оид қонунлар ижроси устидан назорат прокурор назоратининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Прокуратура органлари олдида мазкур соҳада мунтазам равишда текшириш ва таҳлиллар ўтказиш, бунда ер фонди турлари ҳуқуқий мақомининг ноқонуний ўзгаришлари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни издан чиқаришга, ерости бойликлари, жумладан, ишлаб чиқариш хомашёларининг ноқонуний қазиб олинишига, ўрмон бойликлари, ҳайвонот дунёсининг йўқотилишига, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, сувдан ҳўжасизларча фойдаланишга қарши курашга қаратилган қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш вазифаси қўйилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, прокуратура органлари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фой-

даланишга оид қонунлар ҳамда соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан мунтазам ва қатъий назорат ўрнатилган. Хусусан, республика прокуратура органлари томонидан 2013 йилнинг ўтган 6 ойи давомида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар назорати устидан ўтказилган текшириш ва таҳлиллар натижаларига қўра қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 264 та тақдимнома киритилган. Қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 63 та протест келтирилиб, 48 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида оғоҳлантирилган. Шунингдек, прокурор қарори ва тақдимномаси асосида 237 нафар шахс интизомий, 678 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, 4,8 млн. сўм миқдордаги етказилган зарар айбдор шахслардан ихтиёрий ундирилган. Судларга 95,2 млн. сўмни ундириш юзасидан 51 та ариза киритилган ҳамда қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 16 та жиноят иши қўзғатилган ҳамда 80 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланган.

Ушбу масалага масъул давлат органлари, мутасадди идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат ноинҳорат ташкилотлари томонидан ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва унинг тизимидаги ҳудудий органлар томонидан жорий йилнинг 6 ойи давомида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга ошириш жараёнида ўтказил-

ган назорат тадбирларида атроф-муҳитга белгиланган меъёрдан ортиқ ифлослантирувчи моддаларни ташлаётган ва чиқараётган 861 та манбалар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан қонуний чоралар кўрилган.

Аммо ўтказилган текшириш ва таҳлиллар айрим мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлигини ҳам кўрсатди. Масалан, фуқаро И.Урмонов ва С.Юлдашевлар "Чотқол" давлат биосфера қўриқхонасида қонунга хилоф тарзда бир бош қийқини отиб ўлдириб, ҳайвонот дунёсига 11,9 млн. сўм миқдорда зарар етказганлар. Қўриқхона назоратчилари бўлими бошлиғи Х.Мусаев эса ушбу жиноятни тегишли тартибда рўйхатдан ўтказмасдан қасддан яширган.

Мазкур ҳолат юзасидан қонунбузарларга нисбатан суднинг ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди. Шунингдек, ўтказилган назорат тадбирларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга оид қонун талабларининг бузилиши ҳолатларига барҳам берилмаганлиги ҳам аниқланди. Фуқаро А.Оспанов ва К.Заримовлар "Жалтўрбас" қўлидан ноқонуний равишда жами 113 донга турли хилдаги баликларни овлаб, табиатга 17,2 млн. сўм миқдорда зарар етказганликларини учун уларга 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Албатта, юқорида баъзи фуқароларимиз она табиат олдидаги бурчларига хилоф иш қилганликлари ҳақида айрим мисолларни келтирдик. Атроф-муҳитга етказилган ҳар қандай зарар, у катта ё кичик бўладими, барибир инсоннинг ўзига етказилган зарар билан баробардир. Бунинг унутмаслигини, табиатни асраш ҳақида ҳар кун қайғуришимиз лозим.

Мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг шарт-шароитларини яхшилаш, аҳоли пунктларининг меъморий-бағий қиёфасини замон талабларига мос равишда таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилаётган. Бунда Президентимизнинг "Қишлоқ жойларга уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида юксак анд билан қурилган намунавий уй-жойлар борапти кишини қувонтиради.

Нафси ҳакалак бинокорлар

Диёр ЭРГАШЕВ,
Жиззах вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Бироқ ўзига билдирилган ишонччи суиистеъмол қилиб, нафси кўйида неча йиллардан буюн янги уйга қўчиб қиришни орзу қилганларнинг умидини пучга чиқарувчи кимсалар ҳам учраб турибди.

Пахтакорлик Бектемир Тангиров муқаддам ҳам жиний ҳазога тортилган эди. Аммо бундан етарли хулоса чиқармади. Акс ҳолда, у яна хатога қўл урмасди. Хуллас, Пахтакор туманида рўйхатга олинган "Эффект модери" хусусий корхонаси ташкил этиб, раҳбарликни зиммасига олган, намунавий уй-жойларда қурилиш ишларини бажариш бўйича пудратчи сифатида тендерда иштирок этди. Омади келиб, ҳар бирининг қиймати 72 млн. 100 минг сўмлик 12 та бир қаватли уй қуришга шартнома тузди. Қўл ўтмай эса "фаолият" олиб боришига бу уйлар қамқат туюлди шекилли, акаси Холтемир Тангиров номига "Зафар" кичик корхонасини ташкил этди. Мазкур корхона номидан ҳам 2011 йилнинг 25 ноябрга қадар қурилиш ишларини якунлаш ва объектни ҳайшат комиссиясига топшириш бўйича яна 12 уйга шартнома тузди.

Аммо ака-укалар қурилиш режалаштирилган ер майдонида бюртмачи томонидан амалга оширилган тўловлар ва айланма маблағлар ҳисобидан сифатли ва белгиланган муддатларда ишни тугатишни гўё "унутишди". Оқибатда, вилоят ҳокимлиги ҳузурлида пудратчи танлаш комиссияси томонидан қўшимча пудратчи танлаш учун танлов ўтказилди.

Б.Тангиров бу ҳолатдан ҳам ўз манфаати йўлида унумли фойдаланди. Молиявий имконияти ҳам, айланма маблағлари ҳам уй-жой қурилиш ишларини олиб боришга етарли бўлмаса-да, акаси Х.Тангировнинг ўғли Расул Тангиров номига "Макро индустрия" хусу-

сий корхонасини расмийлаштирди. Янги корхона ҳам тендерда қатнашиб, 5 та намунавий уй қуришга рухсат олишга улгуради.

Асосий иш бажариб бўлинган, келиб тушган маблағлар тасарруф этилади. Бу йўлда унга "Қишлоқ қурилиши инвест" иттифослаштирилган шўъба инжиниринг-компанияси вилоят филиали етакчи мутахассиси бўлиб ишлаган Равшан Маҳаммов ёрдам беради. Уларнинг "ҳамкорлиги" жаҳият ва давлат манфаатларига 67 млн. 873 минг сўмга тушади. Инжиниринг компаниясига ой якуни билан топширилиши лозим бўлган бажарилган ишлар далолатномаси сохталаштирилади. Аслида бажарилмаган бўлса-да, "Эффект модери" ХК томонидан 13 млн. 598 минг сўмлик, "Зафар" ХК томонидан 20 млн. 967 минг сўмлик, "Макро индустрия" ХК томонидан эса 33 млн. 307 минг сўмлик ишлар бажарилган деб кўрсатилади. Қўлга киритилган маблағ талон-тороҳ қилинади.

Охири-оқибат, Давлат дастури ижроси ортага сурилиб, жами 236 млн. 636 минг сўмлик иш ҳажми ўз муддатида бажарилган, намунавий уй-жой харид қилиш бўйича тўловни амалга оширган 20 нафар фуқаронинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилди.

Суд томонидан Б.Тангировга нисбатан энг кам иш ҳақининг 150 баравари миқдорда жарима ва 2 йилга 4 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Етақчи мутахассис бўлиб ишлаган Р.Маҳаммов муайян ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди. Мазкур иш юзасидан Х.Тангировга оид жиноят иши ҳаракатдан тугатилди.

/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Таълим тизимини ислоҳ қилиш давомида 9 йиллик умумтаълим ва 3 йиллик ўрта-махсус, касб-хунар таълимидан иборат 12 йиллик бепул мажбурий таълим жорий этилди. Фарзандларимиз билимларни, ўзларига мақбул касб-кор асосларини пухта эгаллаб, мустакил ҳаётга дадил қадам қўйиш, меҳнат фаолиятларини бошлаш ёки олий ўқув юртлирида ўқишни давом эттиришдан иборат конститутивий ҳуқуқларини тасарруф этишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилди.

Фарзандларимиз мукамал билим олишлари, касб-кор асосларини пухта эгаллашлари учун жон қўйдираётган Юрт-бошимизнинг йўл-йўриқлари, Республика Бош прокурорининг қўрсатмалари асосида таълимга, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ва қонуности ҳужжатларнинг ижроси алоҳида назоратга олинмоқда.

Тугалланган ўқув йилида вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 47832 нафар ўқувчилари 9-синфни битиришди. Улар ўртасида ўтказилган сўровномаларда аён бўлганидек, 3473 нафари академик лицейларда, 43635 нафари коллежларда, 465 нафари қўшни вилоятлардаги, 166 нафари эса Тошкент шаҳридаги ўрта махсус, касб-хунар билим юртлири ва академик лицейларда ўқиш истагини билдиришган.

Айни пайтда 47700 нафар мактаб битирувчиларининг ҳужжатлари академик лицей ва касб-хунар коллежларига, 24 нафар битирувчиларининг ҳужжатлари эса ўрта-махсус диний таълим муассасаларига топширилиб, бу ҳақда далолатномалар расмийлаштирилган. Вилоятдаги қабул режасига нисбатан ҳужжатлар кўп топширилган 3 та академик лицей, 15 та касб-хунар коллежларида саралаш синовларини ўтказиш режалаштирилган.

Республика Бош прокурорининг топшириғига биноан вилоят прокурори фармоиши билан прокуратуранинг тармоқ раҳбарлари, ҳокимликлар, ички ишлар, таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик идоралари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари томонидан 9-синф битирувчиларининг таълимнинг кейинги босқичига ўтиш эҳтишоби, касб-хунар коллежлари битирувчиларига белгиланган муддатларда диплом топширилиши ҳамда улар билан иш бевувилар ўртасида тузилган уч томонлама шартномаларнинг ҳаққонийлиги ўрганилмоқда. Шаҳар ва туманларда учрашув ва давра суҳбатлари, тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлари билан ҳамкорликда ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, таълим муассасаларининг раҳбарлари ва педагоглари иштирокида 12 йиллик таълимнинг мажбурийлиги, изчиллиги ва узвийлигини тушунириш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, таълим муассасаларида ўқув жараёнлари сифатини, фанларни ўзлаштиришнинг янада яхшилаш, ўқувчилар даволатини таъминлаш, 9-синф битирувчилари ва ота-оналарни

ИСТИҚЛОЛ САОДАТИ

таълим муассасаларида яратилган замонавий шарт-шароитлар билан таништириш бора-сида 171 маротаба ўтказилган йўналишлар ва давра суҳбатларида 68 минг нафардан зиёд ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари қатнашди.

Умумтаълим муассасаларида ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ҳудудлари бўйича битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичига жалб этилиши юзасидан коллеж ва лицейлар, мактаб битирувчиларининг ота-оналари тўғрисида аниқ маълумотлар жамланган электрон база яратилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Эътиборга молик, самарали тадбирлардан яна бири — вилоят миқёсида 12 йиллик таълимнинг мажбурийлиги ва қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатлари ёритилган 3700 дан ортиқ постерлар, 50 мингдан зиёд буклетлар тайёрланиб тарқатилди. 9-синф битирувчиларининг кейинги босқичда ўқишга қизиқишларини янада қўлайитириш, қалбларида ватанпарварлик туйғуларини жўш урдириш, ҳуқуқий билим доираларини кенгайтириш мақсадида "Бир болага етти маҳалла ота-она" шиори остида тадбирлар ўтказилди. Кам таъминланган оила-ларнинг фарзандлари, ҳуқуқий-педагогик ёрдамга муҳтож битирувчи ўқувчиларнинг Бобур номли ва "Шон-шараф" музей-ларига ва Болалар боғига саёҳатлари уюштирилиб, тадбир сўнггида "Қамолот" ЕИХ вилоят кенгашида таълим тизими ва унда амалга оширилган ислохотлар, коллежлардаги замо-



қилиш идоралари ходимлари иштирокида уларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбат ўтказилди. Уларга Оила кодекси, "Таълим тўғрисида" ги Қонун талаблари, ўқувчи қизларни барвақт турмушга узатиш, норасмий никоҳ ўқиганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кўзда тутилгани тушунирилиб, расман огоҳлантирилди.

9-синф битирувчиларини ўқишнинг кейинги босқичига ўтиш қамраб олишга қаратилган тадбирлар билан ҳамроҳан тарзда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш муҳим масалалардандир. Бу йил вилоятдаги 117 та касб-хунар коллежларини 47144 нафар ўқувчилар битиришди. Ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, 44 минг нафардан зиёд битирувчи босқич ўқувчиларининг ўқув режасида кўзда тутилган ишлаб қилариш ва дипломлашти амалиётини мутахассисларга бўйича бирик-тирилган корхона, ташкилот ва муассасаларда ўташлари таъ-

мос бўш иш ўринларига ишга жойлаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Вилоят прокуратураси органлари ташаббуси билан битирувчи ёшларни ишга жойлаштириш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош башқармаси ва унинг ҳудудий марказлари билан ҳамкорликда 25 маротаба ташкил этилган ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркаларида 1408 та корхона ва ташкилотлар 9688 та бўш иш ўринларига таклифлар билан чиқишди. Уларда иштирок этган коллеж битирувчиларининг 2610 нафарига ишга жойлаштирилиши учун йўланмалар берилди. Шунингдек, битирувчи ёшларнинг тадбиркорлик билан шугулланиш борасидаги интилишлари қўллаб-қувватланяпти, банклар томонидан иш бошлашлари учун кредитлар ажратилишида ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жорий йилда ўтказилган сўровномаларда 1500 нафар битирувчилар тадбиркорлик билан шугулланишни ихтиёр этишган. Тижорат банклари томонидан ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун кўзда тутилганига нисбатан кўпроқ, яъни 4 млрд. 500 млн. сўм ўрнига 5 млрд. 500 млн. сўм миқдорда кредит ажратилган.

Ишчи гуруҳлари томонидан жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўқишни тугаллаш масдан чет элга чиқиб кетган ўқувчиларни ўқишга қайтариш чоралари кўрилди. Ота-оналари билан суҳбатлардан сўнг умумтаълим мактабларининг 15 нафар 9-синф битирувчилари, касб-хунар коллежларининг 134 нафар битирувчилари яшаш ва ўқиш жойларига қайтарилди. Фарзандининг мажбурий таълим олишини таъминламаган 107 нафар ота-она маъмурий жавобгарликка тортилди.


Вилоят прокуратураси органлари томонидан умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини ўқишнинг кейинги босқичига ўтиш қамраб олиш, коллежлар битирувчиларининг уч томонлама шартномалар асосида ишга жойлаштирилишини таъминлаш билан бирга таълим даргоҳларида яратилган шарт-шароитлар ўрганилмоқда. Қонунбузилишларни бартараф этиш, муаммоларни ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, Олтинқўш туманидаги коллежларда умумтаълим фанлари бўйича педагог кадрлар етишмаслиги, ўқув жиҳозлари, спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланмагани аниқланган. Саноат касб-хунар коллежи ёзув доскалари, ўқувчиларнинг стол-стуллари, жисмоний тарбия дарсларини олиб бориш учун спорт жиҳозлари билан тўқис таъминланмаган. 4 та касб-хунар коллежида ин-

форматика, кимё, инглиз тили, рус тили, физика, тарих, математика фанлари бўйича педагог кадрлар етишмайди. Мазкур ҳолатлар бўйича прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, қонунбузилишлар бартараф этилмоқда.

Республика Бош прокурорининг "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада қўлайитириш тўғрисида" ги буйруғига асосан вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссиялар фаолияти таҳлил қилиниб, ишни янада яхшилаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Таъкидлаш жоиз, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раҳбарлигида шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари томонидан вояга етмаганларнинг қўнуний манфаатларини ҳимоялаш, таълим-тарбияси, соғлигини сақлашга масъулият билан ёндашиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, назоратсизлик, қаровсизлик оқибатида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида эътиборга молик ишлар қилинмоқда. Вояга етмаганлар муҳитида қўнунийлик ва барқарор ижтимоий муносабатларни, уларнинг маънавий етук шахс сифатида шаклланишини таъминлаш, таълим муассасалари ўқувчиларига қўнуний итоткорлик ҳуқ-қўруни, соғлом турмуш тарзи асосларини сингдириш, ҳуқуқий онглари кўсатириб боришга қаратилган самарали тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан Шаҳрихон ва Бўз туманларида "Фарзанд тарбиясида ота-она ва синф раҳбарининг ҳамкорлиги" мавзусида ўтказилган семинарларда профилактик ҳисобда турган, тарбияси оғир, нотинч ва ижтимоий беқарор оилаларда тарбияланаётган ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари билан ишлаш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хусусида умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари, МФЙлари ва ИИБларнинг ходимларига йўл-йўриқ ва тавсиялар берилди.

9-синф битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва лицейларда ўқишга тўлиқ қамраб олиш, коллеж битирувчиларини касб-корларига мос ишга жойлаштириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ҳуқуқий-ташқилий ишлар замирида фарзандларимиз ҳаётда ўз ўринларини топиб олишларини таъминлашдек эзгу мақсад муҳассам. Зеро, ота-она учун фарзанд қамолини қўришдан ортиқроқ саодат йўқ.



навий ўқув жараёнлари ҳақида тўқис маълумотлар берилди ҳамда семинар-тренинг ўтказилди. Тадбир вилоят телерадиокомпанияси ва "Тараққиёт" телеканали орқали кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Жалақудуқ туман прокуратураси ва ишчи гуруҳи томонидан ҳам таъсирчан, диққатга сазовор тадбирлар ташкил қилинди. 3 та қишлоқ фуқаролар йиғини ва Ўқитиш-қўриқ қўлида "Эрта турмуш ва унинг оқибатлари" мавзусида ота-оналар, жамоатчилик иштирокида ўтказилган давра суҳбатларида қўнуний ҳужжатларига қиртилган қўшимчаларда қизларнинг 12 йиллик тўқис билим олишларига тўқинлик қилиш, уларни барвақт турмушга узатиш ҳолатларига нисбатан кўзда тутилган жавобгарлик тушунирилиб берилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган таҳлилларда 664 нафар норасмий имомлар борлиги аниқланиб, ҳудудий прокурорлар томонидан ҳуқуқни муҳофаза

минланган. Уларга корхона ва ташкилотлар томонидан 30 фойизлик миқдорда жами 330 млн. сўмдан зиёд иш ҳақлари тўланган.

Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими башқармаси ҳисоботларига кўра, 47144 нафар битирувчилари иш билан таъминлаш ҳақида қафолат хатлари берилган, 44792 нафар битирувчилар билан уч томонлама шартномалар тузилган. Бироқ ушбу жараёнда расмийлаштирилган қўзғабумачилик ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Андижон шаҳридаги 20 та касб-хунар коллежларининг 8199 нафар битирувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхона ва муассасаларга ишга жойлаштирилиши ҳақида уч томонлама шартномалар тузилган. Аммо ҳўжақўсинга тузилган шартномаларнинг аксарияти, яъни 53,2 фоизда битирувчиларнинг мутахассисликларига мос бўлмаган иш ўринларига ишга қабул қилинишлари кўзда тутилган. Шаҳар прокуратураси томонидан битирувчиларни касб-корларига

Саҳифаларда Андижон вилояти



Фаргона водийсининг шарқий қисмида жойлашган Андижон вилоятининг майдони 4307 кв. км. Вилоятда 2 млн. 745 минг киши истиқомат қилади. Айни пайтда вилоятда 4167 та корхона ва 89 та қўшма корхона, 37548 та кичик ва ўрта микрофирма, 7259 та фермер ҳўжалиги фаолият юрятапти. Андижонда 4 та олий ўқув юрти, 1334 та таълим муассасаси, шу жумладан 745 та умумтаълим мактаби, 117 та коллеж, 12 та академик лицей ва 460 та мактабгача таълим муассасалари келажақ авлод хизматида.

Муносабат кўзгуси

Қонунлари устувор бўлган жамиятимизнинг мустаҳкам ва асосий тамойилларидан келиб чиқиб қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари мансабдор шахсларнинг хизмат бурчлари, ваколат доиралари белгилаб қўйилган. Чунинчи, фуқаролардан келиб тушган таклиф, ариза, шикоятлар бошқарув органлари, ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг мансабдор шахслари томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ равишда кўриб чиқилиши ва ҳал этилишининг шартлиги ҳам аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилган.

Акмалжон КАРИМОВ,
Асака туман прокурори

ро оғзаки мурожаат этишган бўлса-да, рўйхатга олиш китобига умумий бўлим мудури С.Юлдашев томонидан мурожаат этувчининг исми, фамилияси, аризанинг қисқача мазмунига эзилган, холос. Аризанинг кимга чиқарилгани ва ижро мuddатлари қайд этиб берилмаган. Фуқароларнинг оғзаки мурожаатларини қайд этиш ва ўрганиш йўғма жилдлари юритилмаган. Оғзаки мурожаат қилган фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларидаги маълумотларни эзиб олиш ҳақидаги қонун талабига амал қилинмаган. Мурожаатларни ўрганиш натижага ҳақида арз қилган фуқароларга жавоб хатлари умуман эзилмаган. Ҳолбуки, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддаси, 1-қисмида белгиланганидек, "Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамиятга эга".

Туман ҳокимлигининг Архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи А.Ҳамидов томонидан фуқаро П.Мамажонов, Э.Муратов, С.Абдуқодировларнинг ёғочни қайта ишлаш цехи ҳамада темирчилик устaxonаси қуриш учун ер акратиб бериш сўраб туман ҳокими номига ёзган аризалари ҳусусида ўз вақтида ҳулосалар берилмаган. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш борасидаги бевосита хизмат бурчига панжа орасидан қараб, қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиб, суд томонидан жарима ҳазоси қўйилган.

Туман прокуратураси томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида фуқароларнинг ҳақли талаблари қаноатлантирилиб, айрим аризалардаги талабларнинг қонунга зидлиги тушунтирилгани ҳолда асосли жавоблар берилмоқда. Корхона, ташкилот, муассасалардаги мурожаатларни қонуний ҳал этиш ваколатига эга мансабдор шахсларнинг масъулияти қучайтирилмоқда.

риш устхати (визаси) билан қурилиш бўлимининг бош мутахассиси Д.Юлдашевга топширилган 357 та ёзма аризанинг 182 таси назоратдан чиқарилмаган, аризани кўриб чиқиш саналари ва натижаси кўрсатилмаган. 179 тасининг бир ойлик мuddати ўтиб кетган бўлса-да, улар ҳақида бирон-бир тўхтамга келинмаган ва муаллифларига ёзма хабарномалар юборилмаган. Д.Юлдашев туман ҳокимининг кўрсатмаси билан ўзига чиқарилган 57 та аризани ўрганиб жавоб йўллаш ўрнига, ваколат доирасига кирмасда-да, уларни доирасиз равишда МФЙлари, қурилиш ташкилотлари, коммунал ҳўжалик идоралари, корхона ва муассасаларга текшириш учун чиқариб юбораверган. Аризалар эса ҳал этилмай, муаллақ қолаверган. Бундан ташқари, рўйхатга олиш китобига қайд қилиниб, бош мутахассисга чиқарилган аризаларнинг 21 таси йўқотилган.

Туман ҳокимининг 1-ўринбосари — Асака шаҳар ҳокими А.Жўраев ҳам фуқароларнинг мурожаатларига масъулиятсизлик билан қараганини оқибатида унга чиқарилган 114 та аризадан 60 тасининг бир ойлик мuddати ўтиб кетганига қарамай ҳал этилмаган, муаллифларга ёзма хабарномалар юборилмаган. Келиб тушган аризанинг 34 таси эса топилмади. Шу тариқа қурилиш бўлимининг бош мутахассиси Д.Юлдашев — туман ҳокимининг 1-ўринбосари шаҳар ҳокими А.Жўраев томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 9, 17, 18, 21-моддалари талаблари қўпол равишда бузилган.

Шу давр мобайнида туман ҳокимлигига 135 нафар фуқа-

Хар қандай ишга масъулият билан ёндашишга одатланган раҳбар, мансабдор шахс мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиб, қонуний қарор қабул қилади. Аксинча, хизмат бурчига панжа орасидан қарайдиган амалдор ариза ва шикоятларни кўриб чиқишни сансалорликка солиб, ҳақли эътирозларни келтириб чиқаради. Шу маънода, мурожаатларга бўлган ёндашуви хизмат бурчига бўлган муносабатнинг кўзгусига қийслаш мумкин.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросини таҳлил этиш ҳамада мансабдор шахслар масъулиятини қучайтириш орқали эса бундай ҳолатларнинг олди олинади. Туман прокуратураси томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси доимий равишда таҳлил қилиб боришмоқда. Хусусан, туман ҳокимлигига ўтказилган текширишда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман ҳокимлигига корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамада фуқаролардан жами 733 та ёзма мурожаат келиб тушган бўлиб, мурожаатларни ҳал этишга доир ҳужжатлар алоҳида тикиб борилмаган. Даклдор манфаъдор томонлардан тушунтириш хатлари, шахсий ҳужжатларидан намуналар олинмаган, аризани ўрганиш натижалари бўйича далолатномалар ёки маълумотномалар тузилмаган. Қабул қилинган қарорлар ҳақида эса муаллифларга ёзма равишда маълум қилинмаган.

Жумладан, рўйхатга олиш китобига туман ҳокимининг ўрганиб чиқиш ва натижаси ҳақида муаллифга хабар бе-

Бугунга келиб, ширкатлар ўрнида ташкил этилган фермер ҳўжаликларининг раҳбарлари мулкдорлик ҳуқуқини фойдаланиб, олаётган даромадларини ер майдонларининг умумдорлигини оширишга, ерга ишлов берадиган техника воситаларини харид қилишдан ташқари, етиштирилган ҳосил — хомашёдан тайёр маҳсулотлар, мева консервалари, шартблат ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга сарфлашмоқда. Қувонарлики, улар яшаб турган жойларида, кишлоқ ва маҳалаларда кичик корхоналар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини очишмоқда.

Пахтабод туман прокуратураси томонидан ҳам фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва


Мулкдорлик ҳуқуқи

"Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор ва Фармонининг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, фермер ҳўжаликларига уруғлик, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари ҳамада техника воситалари етказиб бериш борасидаги узилишлар бартараф этилмоқда. Ерларни экишга тайёрлашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган жараёнларда агротехника тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши назоратга олиниб, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, фермер ҳўжалиги раҳбарларининг дон, пахта етиштириш контрактация шартномаларини сўзсиз адо этиш борасидаги масъулиятини қучайтириш чоралари кўрилмоқда. Ер тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилмаган, экин майдонларига режалаштирилган пахта ўрнига полиз,

сабзавот экинлари жойлаштирилиб, шартномада кўзда тутилган ҳосилни етказиб бериш режаси бартарб қилиниши хавфи туғилган ҳолатлар бўйича фермер ҳўжаликларининг раҳбарлари жавобгарликка тортилмоқда. Пахта етиштириш режалаштирилган майдонларга ўзбошимчилик билан экилган полиз, сабзавот экинлари буздирилиб, чигит экилиши таъминланмоқда.

Кишлоқ ҳўжалигида қонунийликни мустаҳкамлаш, ер эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар, ерга чинакамига боғланган асл деҳқонларнинг қонбозликлари, астойдил меҳнат қилишлари туфайли туманимизнинг фермер ҳўжаликлари пахта ва бўғдой етиштириш борасидаги контрактация шартномаларини йилдан-йилга ортиғи



Тараққиётнинг локомотиви

Абдуваҳоб ТУРҒУНБОЕВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Вилоят прокуратураси органлари томонидан "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига қатъий амал қилиниши юзасидан мансабдор шахслар, бошқарув органлари, назорат-тектиш идораларининг масъулиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорлар прокуратура органларидаги ишонч телефонларига жорий йилнинг олти ойида 92 мартаба мурожаат этишган. Уларни кўриб чиқиш натижаларига кўра қонунга зид қарорларга нисбатан 3 та протест келтирилган, қонунбузилишни бартараф этиш ҳусусида 1 та тақдимнома киритилган, бунга йўл қўйган мансабдор шахслар оғохлантирилиб, интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган. Етказилган 1 млн. 800 минг сўмлик зарар ихтиёрий ундирилган. Прокуратура органлари таҳлилларининг натижаларига кўра, қўрилган қонуний чораларга қарамай, ҳамон ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини поймол қилувчи қарорлар қабул қилинишига йўл қўйляпти. Масалан, Избоскан туман ҳокимининг қонунга зид қарорлари асосида "Ёрқин зарчасмаси" МҲЖ га тегишли 0,25 гектар ер майдони ва унда жойлашган мулклар "Мол бозори" ихтиёрига ўтказиб берилган. Туман прокурорининг протестлари билан ҳокимнинг ғайриқонуний қарорлари бекор қилинган. Ҳоким ўринбосари Д.Усмонов, архитектор Б.Махмудов, ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи А.Аҳмадалиевлар интизомий жавобгарликка тортилган.

Мақсадсиз фойдаланилгани рўқач қилиниб, Андижон туман ҳокимининг қарори билан "Субҳидам ғунчаси" МҲЖ га ажратилган 0,41 гектар ер майдони туман захираси ҳисобига қайтариб олинган. Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда тадбиркор ердан мақсадли фойдалангани аниқланиб, ҳокимнинг қонунга зид қарори протест асосида бекор қилинган, ер майдони эса тадбиркор ихтиёрига қайтарилиши таъминланган.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини муҳандислик коммуналцияларида асосиз равишда узиб қўйиш ҳолатлари ҳам бартараф этилмоқда. Чунинчи, С.Исаковнинг аризаси Жалаудук туман прокуратураси томонидан ўрганилганида, туман электр тармоқлари корхонасининг раҳбари М.Жўраев тадбиркорнинг дўконини асосиз равишда тармоқдан уздириб қўйгани аниқланган. Раҳбар маъмурий жавобгарликка тортилиб, савдо дўконини электр тармоғига қайта уланishi таъминланган.

Айрим солиқ ва банк идораларининг мансабдор шахслари тадбиркорларнинг розилигини олмасдан пул маблағларини бошқа мақсадларда ишлатиб юбориш, ортиқча тўловларни ундириш каби қонунбузилишларига йўл қўйишган. Чунинчи, Ҳўжабод туман прокуратураси ўтказган текширишда маълум бўлишича, Давлат солиқ инспекцияси "Хожимурод" хусусий корхонаси ҳисобидан асосиз равишда солиқ ва бошқа тўловлар учун 1 млн. 434 минг сўми ундириб олган. Прокуратура аралашуви билан юқоридagi маблағ тадбиркор ҳисобига қайтарилиб, ДСИ солиқ текширувлари бўлими бошлиғи Ж.Қодиров интизомий жавобгарликка тортилган.

билан адо этиб келмоқдалар. Бозорларимизни мева, сабзавот ҳамада полиз маҳсулотлари билан тўлдирмоқдалар.

Бундан ташқари, фермер ҳўжаликларига контрактация шартномаси бўйича топирилган махсулот ҳақини ундириб бериш чоралари ҳам кўрилмоқда. Хусусан, "Андижон 1" пахтани қайта ишлаш акциядорлик жамияти томонидан 2012 йилда етказиб берилган пахта хомашёси учун 15 та фермер ҳўжаликлари билан тўлиқ ҳисоб қилинмагани аниқланиб, фермер ҳўжаликларининг 1 млн. 900 минг сўмдан тортиб 5 млн. 400 минг сўмгача, жами 44, 515 минг сўм ҳақларини ундириш ҳусусида вилоят прокуратураси орқали вилоят ҳўжалик судига даъво аризалари киритилди.


Кишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар боис, деҳқонларимизнинг ердан олаётган даромадлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кишлоқларда махсулотни қайта ишловчи кичик корхоналар барпо этилиши, янги турар жойларнинг қурилиши фаровон турмушимизнинг бир қўринишидир.

Шукурбек Жўрабоев,
Пахтабод туман прокурори

Сайлов тартиби

"Аксиядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан, акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, бошқарув аъзолари ҳисобот йили натижалари бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг умумий йиғилишида қайтадан сайланади, дейилган. Шундан келиб чиқиб, мазкур қонуннинг 70-моддасида акциядорлик кенгаши кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ҳисобот йили ўтиб, янги йил кириши билан бир ой давомида жамият акциядорларнинг камидан бир фоизидан кўпига эга бўлган акциядорларнинг номзодлари кўрсатилган ёзма таклифи кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқилиб, кузатув кенгаши қарори билан номзод маъқул топилса, сайлаш учун акциядорларнинг умумий мажлиси сайлов бюллетенида киритилади, дейилган. Айтингчи, бошқарув аъзоларини сайлаш ҳам шу тартибда амалга ошириладими?

Б.Болтаев, Урганч шаҳри



Камайган пенсия...

Турмуш ўртоғим 1950 йилда туғилган. Илгари 158 минг сўм пенсия олар эди. 2013 йилдан бошлаб пенсия пули 50 минг сўмга тушиб қолди. Ҳозирда турмуш ўртоғим 63 ёшда. Унга қанча пенсия тайинланиши керак? Қаримлик пенсияси қанча тўланади?

К.Ўрабозов, Достлик тумани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўша доир энг кам пенсиялар миқдори ойига 155 670 сўм қилиб белгиланган эди.

2013 йилнинг 15 августидан эса бу тоифадаги шахсларнинг энг кам пенсиялари миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 11 июль кунги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармонида кўра 179020 сўм қилиб белгиланди. Бундан келиб чиққан ҳолда турмуш ўртоғинингнинг олаётган пенсияси миқдорининг пайсиди кетиш сабабларини аниқлаш мақсадида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман бўлимига мурожаат қилишингиз лозим.

Қонун талаби

Мен 2010 йил 3 ноябрь кунини маъмурий буйруғи билан ишдан бўшатиладим. Сўнгра даъво ариза берганимдан сўнг, суд мени ишга тиклаш ва мажбурий юрган прогул вақтларим учун 2012 йил октябрда 3 132 689 сўм миқдорда иш ҳақи ундириб берди. Нафақаламан. Ишдан бўшаганимдан сўнг маъмурий билан меҳнат шартномаси тузмаганман, буйруқ чиқмаган. Тўланган маблағ маъмурий айби билан бўлган. Ҳозирда пенсия жамғармаси бўлими иш ҳақи олгансиз, деб пенсиянинг ярмини ушламоқчи. Ким ҳақ?

А.Холбоев, Музаброт тумани

Хат мазмунидан тушунишча, сиз гайриқонуний равишда ишдан бўшатиладиган гиздан кейин нафақага чиққансиз. Шундан сўнг судга киритган даъво аризангизга кўра, сизни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқни бекор қилиб, мажбурий прогул вақтлари учун иш ҳақи ундириб берилган.

Бу ҳолатда, яъни ишдан гайриқонуний равишда бўшатиладиган сўнг пенсияга чиқиб, тўлиқ миқдорда пенсия ола туриб иш ҳақини ҳам тўлиқ олганлигингиз учун туман пенсия жамғармаси бўлими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 30 апрелда 2222-сон билан рўйхатга олинган "Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларини қўллаган. Мазкур Низомда белгиланишича, фақат қуйидаги тоифадаги ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда (100 фоиз) тўланади:

а) уруш ногиронлари ва қатнашчиларига, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахсларга;

б) Иккинчи жаҳон уруши

йилларида ҳарбий хизматни ўтаган ёки фронт орқасида ишлаган шахсларга;

в) I ва II гуруҳ ногиронларига;

г) Чернобил ҳалокатидан зиён кўрган фуқароларга;

д) фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг раисларига;

е) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёлларга — ёшга доир пенсияни олганда.

Қолган барча ишловчи пенсионерларга уларга тайинланган пенсиянинг 50 фоиз миқдорда пенсиялар тўланади.

Мазкур меъёрий ҳужжат талабидан келиб чиқиб, сиз юзорида тилга олинган имтиёзли тоифадаги пенсионерлар қаторига кирмаганлигингиз учун туман пенсия жамғармаси бўлими пенсияга чиққан вақтда иш ҳақи олган вақтлар учун пенсияни эллик фоиз олишингиз мумкин, деган ҳулосага келган. Шу боис, бу борада туман пенсия жамғармаси бўлимининг сизга нисбатан қўяётган талаби тўғри.

Турмуш ташвишлари

Мен 1987 йили турмушга чиқиб, тўрт нафар фарзандли бўлиб. 2012 йилда никоҳимиз бекор қилинди.

1990 йили ер участкасида 7 хонали уй қўрган эдик. Бу ерда анча вақт яшадик. Лекин бу уй бирортанингнинг номимизга расмийлаштирилмаган. Ҳозирда болаларим билан ота-онамнинг уйида яшаб келяпман. Турмуш ўртоғим 2-3 йилдан бери Россияда ишлаб юрибди.

Бу уйни ўзимнинг ёки фарзандларимнинг номига расмийлаштирсам бўладими?

Н.Тангрибергенова, Беруний тумани

Албатта. Лекин бунинг учун мазкур уй-жойни қурувчининг розилиги бўлиши лозим. Чунки амалдаги қонун талабларига мувофиқ, яъни тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш туман (шаҳар) ҳокимлигининг қарори асосида мазкур ер майдонига муҳтож бўлган шахснинг аризаси бўйича амалга оширилган.

Бинобарин, мазкур ер участкасида қурилган янги уйни давлат рўйхатидан ўтказиб, унга нисбатан эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш учун уй-жойни қурувчи (мулкдор, ашёвий ҳуқуқ эгаси) шахс мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ва уй ёки турар жойни кейинчалик уй-жой фондига киритиш учун туман, шаҳар техник инвентаризация кадастр бюросига давлат ҳокимияти органининг уй

қуриш учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорини тақдим этиши лозим бўлади.

Айрим ҳолларда ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарор ўрнига ер участкасига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат даволотномаси тақдим этилиши мумкин.

Уй-жой кодексининг 14-моддасига кўра, белгиланган тартибда ажратилган ер участкасида янги қурилган уйга мулк ҳуқуқи уй давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вуқудга келади.

Давлат рўйхатидан ўтказилган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисида ҳужжат берилади, бу уй ёки турар жой уй-жой фондига киритилганлиги тўғрисида гувоҳнома бўлиб ҳисобланади.

Кимга ишониш керак?

ФХДБ бўлимларига фарзанд туғилганда гувоҳнома олиш учун бориладими, мазкур идора ходимлари хизмат ҳақи дейишиб, буналай гувоҳнома учун турли нархларни айтишади. Шу сабабдан бизда ҳақни саволлар туғилади. Айтингчи, фарзанд туғилганда ва никоҳдан ўтаётганда берилмайдиган гувоҳномани олиш учун қанча миқдорда пул тўлашни керак? Ҳўжалик ҳисобидига қорхоналарда ишлаб, ҳомиладорлик таътилига чиққан аёлларга фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар нафақа тўланадими ё йўқми?

Г.Парпиева, Қонимех тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 апрелдаги "Гербли гувоҳномалар шаклини ва уларни берганлик учун герб йиғими миқдорини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори билан тузилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ва ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномаларнинг янги шакллари тасдиқланиб, 2012 йил 1 июлдан жорий этилган. Мазкур қарорда белгиланишича, ушбу янги гербли гувоҳномалар берганлик учун (ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома бундан мустасно) герб йиғимининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатга олинган "Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига кўра, ишлаётган (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ишловчи бўлиб ўтаётган) оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга) болани парвариш қилиш бўйича нафақа иш (ўқим, хизмат) жойидан тайинланади. Нафақа тайинлаш учун асос бўлиб қорхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг қарори ҳисобланади. Мазкур Низом бюджет соҳасида ишловчи оналарга таътиб этилмайди.

Ишлаётган оналар (она ўрнини босувчи шахслар)

лар) бир вақтнинг ўзида бола парваришlash учун нафақа билан бирга тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб уйда ишлаган давридаги иш ҳақини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Агар икки ёшга тўлмаган фарзанди бор она ишламаётган ва бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақани олишга эҳтиёжманд бўлса, унда бундай нафақани олиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган "Қам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ, доимий яшаш (рўйхатдан ўтиш) жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси номига шу ҳақдаги ариза билан мурожаат этиши лозим.

Бунда мазкур нафақа мурожаат этувчининг ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромади миқдори бу даромад аниқланаётган давр учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравардан ортиқ бўлмаган ҳоллардагина тайинланади.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг.

Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради.

Саволларингизни «Нуқид» газетасининг «huquq@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб бери.

Одил судлов кафолати

УНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шариоитида оид суловланинг сифати ва самарадорлигини янада ошириш тақозо этилмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида алоҳида таъкидланганидек, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг гоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлати шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муددатли ва изчил ислохотлар дастурининг энг устувор йўналиши ҳисобланади.

Шу маънода суд ҳокимияти фаолиятининг очиклиги, улар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Ушбу масалани муваффақиятли ҳал этишда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, судларда ишларни юритиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда электрон суд жараёнини, шу жумладан, суд жараёнларини видео, аудио қайд этиш, шунингдек, суд жараёнлари стенографиясининг янги турларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, жамият ҳаётининг турли соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларининг изчил равишда кириб келаётганлиги одил судовни амалга ошириш тартиб-таомилларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Асосан ёзма тусга эга бўлган суд ишларини расмийлаштириш замонавий технологиялардан фойдаланиш, судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражасини ва компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш судьяларнинг иш юкларини пасайтиришга, турли молиявий сарф-харажатларни камайтиришга хизмат қилади. Қолаверса, жамиятда демократия ва адолатли таъминлашнинг энг муҳим амали бўлмиш суд ҳокимиятининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланиши унинг жамиятда тутган ўрни ва обрўсини ҳам оширади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди билан келишилган ҳолда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқлаш, судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш тўғрисида тақлифлар киритиш вазифаси юклатилган эди. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш, шунингдек, суд ишларини юритиш тезкорлигини ошириш учун судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш мақсадида 2012 йил

10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Дарҳақиқат, суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш судларда электрон ҳужжатлар айланишини тезлаштиради, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштириш ва сақлашини таъминлайди. Маълумотлар алмашишининг электрон воситалари орқали судга мурожаат қилиш имкониятининг берилиши эса суд орқали ҳимоя қилиш учун қулайликлар яратади, маълумотлар алмашишининг электрон воситалари орқали суд муҳокамаси қатнашчиларини хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хат-хабарларни юбориш имкониятини яратади.

Шу ўринда ҳўжалик судига даъво, илтимоснома ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда маълумотлар алмашишининг электрон воситалари орқали мурожаат қилиш имконияти берилишини таъминлаш мақсадида 2013 йил 30 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим



қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Ҳўжалик-процессуал кодексидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигини ҳам таъкидлаш ўринли бўлади. Хусусан, мазкур кодекснинг 1-моддаси ҳўжалик судига мурожаат қилиш ушбу кодексда белгиланган шаклларда амалга оширилиши, мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар ҳўжалик судига ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлигини назарда тутувчи норма билан тўлдирилди. Ундан ташқари, ХПКнинг даъво аризалари ва аризаларнинг мазмунини ва шаклига нисбатан талабларни белгилловчи моддаларига ариза билан мурожаат қилган шахсларнинг телефонлари, факслари рақамлари ва электрон манзили кўрсатилиши мумкинлигини назарда тутувчи нормалар киритилди (ХПКнинг 104, 112-моддалари). Худди шу каби талаблар даъво аризаси юзасидан бериладиган фикр-мулоҳазаларга ҳам таътиб этилди (ХПКнинг 119-моддалари).

Ҳўжалик-процессуал кодексида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан яна бири бу маълумотлар алмашишининг электрон воситалари орқали суд муҳокамаси қатнашчиларини хабардор қилиш имкониятини яратиш билан боғлиқдир. Масалан, муқаддам мазкур кодекснинг 124-моддаси ишда иштирок этувчи шахслар судда қўриладиган вақт ва жой тўғрисида суднинг ажримини орқали хабардор қилинишини, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган бюртомга хат билан юбо-

рилишини назарда тутган бўлса, эндиликда мазкур қоидага қўшимча сифатида ушбу шахсларга тилхат олиб топширилиши ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилиниши каби талаблар белгиланди. Шунингдек, агар ишда иштирок этувчи шахслар телефонлари ва факслари рақамларини, электрон манзилини ҳўжалик судига маълум қилган бўлсалар, улар ишни юритиш вақтида бу маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида ҳўжалик судини ёзма шаклда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилишлари кераклиги ҳақидаги талаблар ҳам назарда тутилди (ХПКнинг 121-моддаси).

Шунингдек, Ҳўжалик-процессуал кодексида судлар фаолиятида очик ва ошкораликни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилганлигини алоҳида қайд этиш жоиз бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваломбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган эди. Шундан келиб чиқиб, Ҳўжалик-процессуал кодексининг 153-моддасида ҳўжалик судининг алоҳида ҳужжат тарикасида чиқарган ажримлари агар ишда иштирок этувчи шахсларнинг электрон манзиллари мавжуд бўлган тақдирда ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, мазкур моддада устидан шикоят қилиниши мумкин бўлган ажримларнинг ҳам ишда иштирок этувчи шахсларга ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлиги назарда тутилди.

Худди шунга ўхшаш қоидалар апелляция ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш жараёнида ҳам қўлланилиши назарда тутилди (ХПКнинг 171, 189-моддалари).

Таъкидлаш жоизки, Ҳўжалик-процессуал кодексида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан ҳўжалик судларининг қарорларини мажбурий тартибда эълон қилишнинг белгиланиши судлар фаолиятида очик ва ошкораликни таъминлаш билан биргаликда маълумотлар алмашишининг электрон воситалари орқали юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ишлаш самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Судлар тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича ўрганилган халқаро тажриба бу борада Германия ва Франция бой тажрибага эга эканлигини кўрсатади. Хусусан, мазкур давлатларда фуқаролик суд ишларини юритишга ахборот технологияларини жорий этиш жараёнида ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган барча шахслар ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Германиянинг "Юридик хизмат тўғрисида"ги Қонуни адвокатлар зиммасига "ProfiMahn" деб номланувчи буйруқ тартибиди иш юритишнинг электрон ахборот тизимидан фойдаланиш мажбуриятини юклайди. Мазкур электрон ахборот тизими ундан фойдаланувчи-

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амадаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи

ларга суд билан икки томонлама ахборот алмашиш имконини беради ва аризаннинг судга келиб тушганлиги уни судда муҳокама қилиш ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, суд ҳужжатларини олиш учун шариот яратади.

Франциянинг 2005 йил 28 декабрда қучга кирган янги Фуқаролик-процессуал кодексида судлар билан ҳужжатлар алмашишининг электрон кўринишда амалга оширилиши бўйича муҳим кадам қўйилди. Хусусан, мазкур кодекснинг 748¹-моддаси ишга оид барча ҳужжатлар ва процессуал актларни электрон кўринишда тақдим этиш ёки бу ҳақда манфаатдор шахсларни хабардор қилиш юзасидан умумий қоидалар белгилайди. Ушбу кодекснинг 748²-моддасига асосан, факат адресат (хабар йўлланган юридик ёки жисмоний шахснинг) розилиги билангина судга оид ҳужжатлар алмашишининг электрон шаклидан воз кечиш мумкин бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аксарият ривожланган давлатларда суд ишларини юритиш тўлалигича замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган. Хусусан, 1996 йилда АҚШнинг Огайо, Миссури ва Нью-Йорк штатларида намуна сифатида суд электрон шаклда мурожаат қилиш тизими (Case Management/ Electronic Case Files (CM/ECF)) жорий этилган эди. 2001 йилдан эса мазкур тизим судга даъво аризаларини ва бошқа ҳужжатларни электрон кўринишда тақдим этиш жараёнида фаол қўлланилиб келинмоқда. Судга тақдим этиладиган аризалар электрон рақамли имзо билан тасдиқланади. Бу эса ўз навбатида, ҳужжатларни бир қиллаштириш ва унинг асл нусхасига мувофиқ бўлишни таъминлаш билан бирга, аризага илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлишини ва ўзгармаслигини кафолатлайди. 2004 йилдан АҚШнинг барча судлари судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизимига ўтган. Канадада судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизими (e-Filing) 2002 йилдан бошланган. 2005 йилдан Италияда суд ишларини юритишнинг электрон тизими жорий этилган. Австралида 2010 йилдан эътиборан миллий суд тизимида видеоконференц-алоқа кенг қўлланилиб келинади.

Мамлакатимиз Ҳўжалик-процессуал кодексида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар орқали ҳўжалик судига қилинадиган мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши ҳамда ҳўжалик судлари қарорларининг мажбурий тартибда маълумотлар билан алмашишининг электрон воситалари орқали эълон қилинишининг белгиланиши келажакда шу мазмундаги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг бошқа судлов ишларини юритиш тартибини назарда тутувчи процессуал кодексларга ҳам киритилишига замин яратади, десак муболага бўлмайди. Зеро, суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштиришда давлат ҳокимиятининг муҳим тармоғи ҳисобланган суд ҳокимияти фаолиятининг очиклиги, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлаш мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шариоитида муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши МФЙларга янги ваколатлар бериш билан бирга, уларнинг зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Маҳалланинг роли оширилиши, унинг ваколатлари кенгайиши фуқароларимизнинг ихтимойи фаоллигини янада оширишга хизмат қилади.

Ноқобил фарзанд

Бир донишмандан "Дунёда энг ширин нарсани нима?", деб сўрашибди. У "Итоати фарзанд", дея жавоб қилибди. "Дунёда энг аччиқ нарсани нима?", деб сўраганида, "Дунёда энг аччиқ нарсани ноқобил фарзанддир", деган жавобни айтибди. Донишмандан яна сўрашибди: "Ноқобил фарзанд ота-онанинг, умуман, шу оиланинг тинчлигини бузади. Оила аъзолари унинг қилиқларидан бе-зиб кетса-да, тишини-тишига қўйиб, аламини ичига ютиб чи-дашга маҳкум. Аммо Наримон Аббосов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) бундай дахмаларга ортиқ тоқат қилмай, "ортиқна бармоқ"дан қутулиш учун кескин қарорга келди.

Улугбек ҲАНИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

шилган эшакни Қўрғонтепа ту-мани Чимён ҚФЙ ҳудудидаги бир фермер хўжалиги дала май-донига ҳайдаб боришди. Қуни-дан пичоқини чиқарган отанинг совуққонлигини кўриб, Алимар-доннинг ранги ўчиб кетди. На-римон ака шу пичоқ билан жа-саднинг бошини кесиб олди-да, "Бошимни олиб, дарвозага илиб қўймоқчи эдинг. Оиламиз ва ма-ҳалланинг тинч яшаши учун шу ишга қўл урдим, энди ўзинг ба-ликларга ем бўл", дея мурданинг бошини "Анджонсой" канали-га отиб юборди. Сўнг Б.Аббосов-нинг танасини ҳам шу каналга ташлаб, ортага қайтишди.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қол-магани каби бири фарзанди-нинг, иккинчиси укасининг қоти-лига айланган ота-боланинг ҳам қилими ошкор бўлмай қолма-ди. Жиноят ишлар бўйича Анди-жон вилоят суди томонидан На-римон ва Алимардон Аббосов-ларга нисбатан уларнинг ҳар би-рига узоқ муддатларга озодлик-дан маҳрум қилиш жазоси та-йинланди.

Фарзандлар тарбиясида эътибор муҳим ўрин тутди. Бо-ланинг гўдаклик чоғидан яхши иш қилганида тақдирлаб, камчи-ликларини, айбини атрофлик-ла тушунириб, секин-аста қалби-га гўзал ҳулқи, покликни синг-дириб бориш керак бўлади. Ак-синча, қаровсиз ташлаб қўйил-ган бола ўзиндан бошқасига яра-майдиган дарахт каби ҳосили йўқ бир туپ шох-шаббага айла-нади-қолади. Ҳолбуки, боғбон унга сув, ўғит бериш билан бир-га, кераксиз новдаларини кесиб туриши ҳам керак эди. Керак-сиз новдалар унинг ҳулқ-атвори-даги қусурлариди. Эҳтимол, На-римон ака ҳам кичкиналикдаёқ Баходирнинг характеридаги салбий хислатларни бартараф этишга уринганида бутун мана шундай аҳволга тушмаган бўлар эди. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Катта ўғли Алимардон билан кичик ўғли Баходирнинг юриш-туришидаги фарқ ҳам шуни кўрсатадики, фарзандлар тарбиясида ташқи муҳитнинг ҳам таъсири катта. Шундай экан, ота-оналар фар-зандлари улғая бошлашга, ким-лар билан дўст бўлаётти, қандай одамлар билан муносабатга ки-ришаётганидан доимо огоҳ бўлмоғи лозим.



КАСОФАТ

Тоҳиржон ҲУСАНОВ,
Бош прокуратура АМИБ катта терговчиси

Ичкилик киши бошига не-не савдоларни солмайди дейсиз. Биз айтмоқчи бўлган воқеа қаҳрамонлари ҳам ичкилик ту-файли жиноят қўчасига киришди.

Кўзнинг одатий кунлари-нинг бирида, соат 21:00-ларда тўртовлон — Фа-рид Нигматулин, Довуд Зохи-дов, Жаҳоҳир Боқиев ва Бобур Назировлар (исм-фамилиялар ўзгартirilган) Жиззах шаҳри-даги кафелардан бирига йиғи-лишиб, улфатчилик қилишди. Табиийки, улфатлар ичкиликни четлаб ўтишолмади.

Улар соат 23:00ларда маст ҳолатда кафени тарк этишиб, оғайнилари Мировил Ибодов-нинг уйига йўл олишди. Илгари бир неча бор судланган бў-лишига қарамасдан Мировил Ибодов яна жиноятга қўл уриб, ўз хонадонига фоҳишахона оч-ган эди.

Улфатлар Мировил Ибодов-нинг уйида "мижоз" сифатида келган Ботир Хайруллаев, Тolib Исомов ва Малик Эминовларни учратишди. Навбат кутиб турган Малик Эминовга хонадан соҳи-би уй ичкарида оёқ кийимда юрмаслик кераклигини айтиб, эътироз билдирди. Ичкилик ўз кучини кўрсатди чоғи, суҳбатни кузатиб турган Фарид Нигмату-лин Малик Эминовни ҳеч ким-ни назар-писанд қилмасдан уй-ичида оёқ кийимда юрганликда айблаб, ҳақоратлай бошлади. Кейин шериклари билан бирга-ликда Ботир Хайруллаев ва Ма-лик Эминовни ташқарига олиб чиқишиб, роса дўппослашди.

Енгилроқ шикастланган Бо-тир Хайруллаев амаллаб улар-нинг қўлидан чиқиб, қочиб-шга улгурди. Ичкилик таъсирдан бошлари қарақот, кўзлари қонга тулган бу безорилар Малик Эминовни уриб-тепкилашда давом этишди. Унинг пластик карточкасини олиб, қодини ай-тишни талаб қилишди. Қодини айтмасдан уларни сўқиб юбор-ган Малик Эминов яна аёвсиз тепкилар остида қолди...

Безорилар код рақамини

билиб олишгач, ҳодиса жойига яқин бўлган дўконлардан бири-дан қодининг нотўғри эканлиги-ни билиб, уни яна қийноққа сола бошлашди. Уни анча жой-гача сураб, ўша жойдаги бето-н бўлаклари билан бошига шафқатсизларча уришиб, воқеа жойидан қочиб кетишди...

Малик Эминов олган оғир тан жароҳатлари туфайли ка-салхонада вафот этди.

Одил суд жиноятчиларнинг ҳар бирига қилимишга яраша жазо тайинлади.

Шу ўринда бир неча бор суд-нинг қора курсисига ўтирган бўлса-да, қўзи очилмаган Мировил Ибодов ҳақида тўхталиб ўтсак. Одатда эркаклар аёллар — она, опа-сингил барча-барча-сининг шаъни, ор-номуси ҳи-момаси учун ҳар нарсасига тайёр туришади. Бироқ Мировил Ибо-довга шаън, ор-номус тушуна-лари бутунлай бегона экан. У амакисининг қизи Гулноза Ша-риповани уйига келган мижоз-ларнинг кўнглини овлаб, пул топишга ўргатди ва унга уйдан мижозларни қабул қилиш учун алоҳида хона ажратиб берди. Ижара ҳисобига Гулноза Ша-риповадан ҳар бир мижоз учун 5000 сўмдан пул олиб турди.

Фуррурини, номусини йўқот-ган Мировил Ибодовнинг бун-дай қилмишидан маҳалла-қўй нима учун кўз юмди экан? Агар улар "Сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилда иш тутмаганларида юқоридаги каби жиноятлар содир бўлма-ган бўлармиди...

Ичкилик ва фаҳш. Бири би-ридан жирканч бу иллатлар то-ғни урса, талқон қилгули йиги-ларни қотилликка ундади. Би-рисининг эса ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабабчи бўлди. Шу боис, бу каби иллатларга қарши доимо ҳамжиҳатликда курашмоғимиз лозим.



Жаннатни оналар оёғи остида деб бежизга айтишмаган. Аммо ўз онасига қўл кўтариб, туғишган опасини ҳам туҳматга қўйган ин-соннинг қилиминини оқлаб бўла-дими. Шамил Илғизов (исм-фа-милiaлар ўзгартirilган) ички-ликка муқассидан кетганидан ту-ғишганларини ҳам танимас дара-жага бориб қолди. У муқаддам 2001 йилда содир этган жинояти учун сулланган бўлса-да, афсус олинган хатоларидан сабоқ чи-қармаган экан.

Ўтган йил 26 сентябрь куни тах-минан соат 15:30 ларда Ш.Илғизов доимидек маст ҳолатда уйига келиб, онаси Розалия Закирова билан жанжаллашиб қолади. У онасини ваҳшийлашларча дўппос-лаб, тан жароҳати етказди. Суд-тиб-бий экспертизасининг хулосасига кўра,

Розалия Закировага ўртача оғир тан жароҳати олганлиги ҳақида маълумот-нома берилган. Бундан ташқари, Ша-мил Илғизов ўзининг жиноий ҳаракат-ларини давом эттириб, 7 октябрь куни кечки пайт уйига келиб, ошхонада ов-қатлашиб ўтирган онаси Ирода Илғи-зова билан жанжаллашиб қолади. Бу сафар у айёрлик қилиб, ошхона столи устида турган пичоқни ўзининг қор-нига санчади. Ўзига ўзи тан жароҳат етказган Шамилга зудлик билан тиб-бий ёрдам кўрсатишиб, у Тошкент Тиббиёт Академиясининг жарроҳлик бўлимига ётқизилади. Қилган ишдан пушаймон бўлиш ўрнига у ИИБ бош-лиги номига ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида онаси Ирода Илғизова гўё уни пичоқлаб қўйган-лиги ва онасига нисбатан жазо та-йинланишини сўрайди.

Ёлғони фош бўлди


Навбатдаги суд-тиббий эксперти-засининг 2012 йил 29 октябрь куни-даги хулосасида Ш.Илғизов олган оғир тан жароҳати даъвогар жароҳат-ни ўзига ўзи етказганлиги қайд қилинган.

Ёлғони фош бўлаётганини билиб, Шамилнинг ҳаловати йўқолади. У сири очилиб қолмаслиги учун жино-ят ишини тугатишларини сўраган ҳолда судга ариза билан мурожаат қилади. Дарҳақиқат, ҳар қандай ёлғон ва эгри ишлар бир куни албатта, фош бўлиши ҳаётда кўп бор ўз тасдиғини топган. Бироқ, давлатимиз томонидан олиб борилаётган кечиримлилик сиё-сати бу кимсга яна бир марта имко-ният берди. Ушбу ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Олмасор ту-ман суди Ш.Илғизовни Жиноят ко-дексининг тегишли моддалари билан

Гулрух САЛИМОВА,
Олмасор туман прокуратураси
иш ўрганувчиси
Гули ХОЖИБОЕВА,
"Huquq"

айблаш ҳақидаги жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Олий Мах-лоси Сенатининг 2012 йил 5 декаб-ридаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги-нинг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қаро-рига ҳамда ЖПК 84-моддаси 1-қис-мининг 2-бандига асосан тугатилиши ҳақида ажрим эълон қилди.

Зеро, оқибатини ўйламай қилин-ган ишлар учун жавобгарлик муқар-рарди.



Ажалфурушлар

Водилдан "Тико" автомашинасида уч нафар аёл ва бир нафар эркак йўловчи Фаргона шаҳрига йўл олишди. Афтидан савдогар бўлиши икки нафар йўловчи аёлнинг бежо хатти-ҳаракати МХХ, чегара хизмати ва божхона ходимларининг назаридан четда қолмади. Қорасув божхона постида уларнинг буюмларини кўздан кечириш жараёнида ёши каттароқ, бели гайритабиий бўртиб турган аёл асабийлашиб, саволларга палартиш жавоб қайтарди. Шундан сўнг алоҳида хонага тақлиф этилиб, аёл текширувчи томонидан ҳолислар иштирокида шахсий кўрикдан ўтказилганида, кийимларининг ичидан белига белбоғ тақиб олгани маълум бўлди. Белбоғдаги целлофан пакетга солинган 2,5 килограммга яқин модда лаборатория кўригидан ўтказилганида, "гашиш" бўлиб чиқди. Шу тариқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳушёрлиги, ўзаро ҳамкорликда иш юритишлари натижасида юзлаб ёшларни бедаво дардга йўлқитирувчи яна бир наркотрафикнинг йўли тўсилди. Аёл киши бўлатуриб, захиротил савдосига қўл урган, ўз фарзандларни каби ёш йигит-қизларнинг умрига зомин бўлиш эвазига мол-дунё орттиришга астойдил бел боғлаган «ажал фаришталарининг» қилмишлари суд ҳукмига ҳавола этилди.

Панжара ортида ер чизиб ўтирган судланувчилар жон қийтмай пул топиш йўлида ҳеч

нарсадан қайтмайдиган, "нашаванд бўлиб ўлса, ўлиб кетавермайдими", деган ўйда ёшларга гиёҳвандлик воситаларини пуллашга бел боғлаб, оғир жиноятга қўл урган 49 ёшли Раъно Абдувалиева, 43 ёшли Ортиғой Мирзаахмедова ҳамда 31 ёшли Шахло Кўчкаровалардир. Уларнинг кўрсатмаларига кўра, гиёҳвандлик воситаларининг савдоси билан шуғулланиш фикри дастлаб Ортиғой Мирзаахмедовадан чиққан. Уни бу ишга хориждаги турмуш ўртоғи Зокир Мирзаахмедов ундаган. У кимса эса, гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланганини фожия билан қўриб қўйган. Унга нисбатан қидирув эълон қилинган. Ортиғой қўшни Қирғизистон Республикасининг Қадамжой туманида бошлана толган Зокирхон билан қўришиб турган. Турмуш ўртоғининг даъвати билан савдогар танишларини сердаромад "бизнес"ни йўлга қўйишга қорлаган. 2013 йил март ойи бошларида дугоналарига гапнинг учини чиқарган. Раънохон билан Шахлохон мўмай фойда олишларини чамалаб, унинг тақлифига қўнишган. Бироқ иш бошлаш учун қўлларидан етарли дастмоя йўқ эди. Орадан бир ҳафта ўтиб, март ойи ўрталарида Ортиғой қўл телефонидан Раънохон билан Шахлохонни Бешариқ шаҳарчасидаги ҳовлисига "маслаҳат олиш"га тақлиф қилди. Учовлон бошлангичи 1 кило гашиш олиб келиб пуллашни мўлжаллашди. Ролларни ҳам ўзаро тақсимлаб олишди: Ор-

тиғой хўжайинидан "товар"ни сотиб олиб беради. Раънохон уни яширинча Кўконга олиб келади. Шахлохон эса "савдогарларни" топиб пуллади.

— Раъно Абдувалиева билан бир неча йил аввал Бешариқ туман марказидаги буюм бозорида савдо қилиб юриб танишганман, — дейди судланувчи Ортиғой Мирзаахмедова. — Қариндошим Шахлохон ҳам бозорда олиб-сотарлик билан шуғулланар эди. Холмиён буюм бозоридан улгуржи товар олиб келиб, майдалаб сотардик. Турмуш ўртоғим Зокирхон Мирзаахмедов 2012 йил апрель ойида қочиб яширинган. Унга нисбатан қидирув эълон қилинган. Айни пайтда қўшни Қирғизистон Республикасининг Қадамжой туманида ашайди. Чегарадаги назорат ўрнатилмаган айланма йўللاردан ўтиб, турмуш ўртоғим билан қўришиб турардим. Шу йил январь ойида у Раъно опа иккамизга наша олиб-сотишни тақлиф қилди. Март ойи бошларида у тақлифини яна эслатди. Мен бу гапни Шахлохонга ҳам айтдим. У рози бўлди. Бироқ унинг иш бошлагани пули йўқ экан. Орадан бир ҳафтача ўтиб, Бешариқдаги ҳовлимда учрашиб, маслаҳатлашдик. Улар пуллари-ни қўшади, мен Маргилондаги оямдан қарз оладиган бўлдим...

15 март кuni Ортиғой ва Раънохон сафарга отланишди. Телефонда келишиб олганларидек, Кўкон автовокзалида уларни Шахлохон қўтиб олади. Ортиғойга 700 АҚШ долларини

ни бериб, «қанча кўп "дори" олиб келсаларинг, шунча яхши», дейди. Шундан сўнг Ортиғой ва Раънохон таксиди Фаргона шаҳрига келишади. Бу ерда уларни О.Мирзаахмедованинг маргилонлик жияни Акмалжон қарши олади. «Аямдан сўраган экансиз», дея ҳолисига пул бериб кетади. Шундан сўнг улар Водилга йўл олишади.

— Ортиғой тенг баробар фойда кўрасиз, тўйингизга асқотадим, дея мени қизиқтириб қўйди, — дейди судланувчи Раъно Абдувалиева. — Қадамжойда бир килосини тўрт минг долларга берадиган. Биз олиб келадиган гашишни Шахлохон топан Фарход деган йигит сотиб берадиган бўлибди. Ўзимда озроқ пул бор эди. Танишбиллишлардан қарз-хавола қилиб, 1 100 АҚШ доллари йигдим. Шахло 700 доллар, Ортиғой 300 доллар қўйишди. 15 март кuni кечқурун айланма йўллاردан чегарани кесиб ўтиб, Холмиёнда Зокирхон билан қўришдик. Қўрбон деган таниши икки ярим килограмм гашишни тахт қилиб қўйган экан. 1 килосини уч ярим минг доллардан сотиб олдик. Зокирхон менга икки ярим кило бериб, етти ярим минг доллар бўлади, деди. "Мол" эгасига биздан олган 2 минг 100 долларни тутқазиб, қолганини икки кундан кейин келтириб беришди, деди. Сўнгра Зокирхон биздан харидор ишончили, деб сўради. Ортиғой гашишни Шахлога 4 минг долларга берамиз, харидор билан ўзи гаплашадим, деб уни хотирга қолди. Қўрбоннинг уйда тоғ оттирдик. Ортиғойнинг ёрдамида гашишни қўйлагимнинг ичидан белбоғга жойлаб, боғлаб олдим. Саҳарда айланма йўллاردан чегарани кесиб ўтиб, Водил қишлоғида таксига миниб, йўлга тушдик. Лекин, божхона постида шахсий кўрикдан ўтказиб, гашишни топиб олишдик...

Фурқат тумани Шўр қишлоғида яшовчи, айбига қисман

Жаҳонгир ПУЛАТОВ,
Фаргона вилоят прокурори
ёрдамчиси
Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Hudud»

икрор бўлган Шахло Кўчкарова қуйидагича кўрсатма берди:

— Ортиғой опа уйига чақириб, гашиш сотишни тақлиф қилганида, рози бўлдим, — дейди Ш.Кўчкарова кўрсатмасини давом эттириб. — Пул топа олсам, Қирғизистондан олиб келиб берадиган бўлишди. Нарҳини сўрасам, бир килограмми тўрт минг доллар, дейишди. Сўнгра мени келганимни айтиб, Раъно опани уйига чақирди. У ҳам гашиш сотишга кўнди, лекин ҳозир пули йўқ экан. Орадан бир ҳафта ўтиб, Ортиғой опага Кўкон автовокзалида 700 доллар бердим. У Раъно опа билан гашиш олиб келиш учун Қадамжойга жўнаб кетди...

Иккоруликларидан ташқари, О.Мирзаахмедова, Р.Абдувалиева, Ш.Кўчкароваларнинг айби гувоҳ ва ҳолисларнинг кўрсатмалари, ашёвий далиллар билан тасдиқланди. Суд ҳукми билан гиёҳванд моддалар савдосига қўл урган оғурушушларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Дили пок, фидойи, меҳроқибат тимсоли бўлиши онахонларимиз, опа-сингилларимиз ҳаёт бешигини тебратишди, фарзандларимизни ҳалолу-пок инсонлар сифатида тарбиялашди. Ҳаёт тимсоли бўлиши онанинг, аёлнинг бировнинг умрига зомин бўладиган қилмишга қўл уришни тасаввуримизга сиздира олмайми.

Ҳозирги — ҳалол ишлаб, бекам-кўст яшаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган, тўқин-сочин, дорилмамон қўнларимизда китоб кўрмаган, биронта ҳам бадий асарни ўқишга вақт топмаган, фақат пулга сийнадиган айрим аёлларнинг юқоридагидай қилмишлари маънавий қашшоқлик асоратларидандир.

Икковлон қилғиликни қилиб бўлган, энди бу ердан қуруқ қўл билан чиқиб кетиш ҳам тўғри келмаслигига келишишди-да, пул қидиришни бошладилар. Айни шу пайтда Комил боя ўспирин чиққан хонада яна бир болани қўрганини эслади-ю, ўша ёққа отилди. Каравот тағидан 10-11 ёшлардаги болани топиб, тортиб олар экан, бояқш қўркувдан дағ-дағ титраганча "Акажон, илтимос, мен ўлдирманг", дея ялина бошлади.

Бироқ Комил «пуллар қаердалигини кўрсат, ўлдирмайман», деса-да «билмайман» деб туриб олди. Кўп ўтмай 4 миллион 50 минг сўм пул, компьютер монитори, клавиатура, иккита қўл телефони, тилла тақинчоқлар сингари жами 5 миллион 900 минг сўмлик буюмларни қўлга қиритган "меҳмон"лар, боланинг қўлларини боғлаб, жуфтани ростлашди.

Собирнинг ишончасидан чиққач, оиласи бағрига қайтиш ўрнига, оғайниси билан саёқ юриши охирик-охирик қотиллик билан якунланди. Ўз вақтида олиб бориладиган тергов ҳамда суриштирув ишлари ўз натижасини бериб, жиноят фожия этилди. Суд томонидан бир вақтнинг ўзида уч нафар инсон умрига зомин бўлган Комил Кабировга ўзлик-қилмиш умирбод озолиқдан маҳрум қилиш, унинг жиноий шериги Собир Лутфуллаевга узоқ йилларга озолиқдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Саёқ юрсанг...

— Оғайни, қаердасан? Уйдаман, дейсанми? Ие, уйда қўмилиб ўтираверсанми? Мен ҳозиргина ишдан чиқдим. Бир соатдан кейин Чорсуда учрашамиз, тушундингми? Бир отамлашайлик. Нима, пулим йўқ, дейсанми? Оғайни, сени мен тақлиф қилаяман, демак, ўзим меҳмон қиламан. Такси ушлаб келавер, уним пулини бериб юбораман. Бўпти, кеч қолма...

Дўстнинг сазаси ўлгунча, ҳўқизнинг бели синсин, деганларидек, Комил (исм-фамилиялар ўзгаририлган) айтилган вақтда белгиланган жойга етиб келди. Собир ҳам сўзида турди, такси пулини ўзи тўлади. Шу атрофдаги кафега кириб, коньяк буюришди. Соат 22:00 ларда у ердан чиқиб, йўловчи машина тўхтатишди-да, Қадисhev мавзеси томон йўл олишди. У ерда ҳам дуч келган кафега кириб, яна бир шиша коньяк олишди ва маишатни давом эттиришди. Келишилганидек, иккала ўтиришнинг пулини ҳам Собир тўлади. Кетма-кет ичилган спиртли ичимлик ўз кучини кўрсатиб, Собир тўсатдан кўнгилхушлик қилишни тақлиф қилиб қолди. Бу тақлиф Ко-

милга ҳам маъқул келди.

Буни қарангки, "кўр кўрни қоронғида топади", деганларидек, кўп ўтмай "омадларга чопиб", ўзлари каби саёқ юришга ишқибоз икки аёлни "илин-тиришди". Келишиб олишгач, Клара билан Мукаррам йигитларни уйга бошлашди. Клара билан мукаррам аэропорт томондаги қўп қаватли уйлاردан бирида экан. У эшик ёнида бироз кутиб туришни сўраб, ўзи дугонаси билан уйга кириб кетди-да, бироздан кейин ичкарига тақлиф қилди.

Улар ҳали жойлашиб улгурмасларидан Клара ён томондаги эшикни кўрсатиб, бу ерга кирмасликни, у ерда фарзандлари борлигини айтиб, огоҳлантириб қўйди.

Шундан кейин аёллар дастурхон тузашди. Яна маишат бошланди. Вақт алламаҳал бўлганда Собир Клара билан қўшни хонага кириб кетди. У ерда қичқач, ерга солинган кўрпачага чўзилди. Клара эса мазаси бўлмаётганини айтиб, ётоқхонасига кириб кетди.

Мукаррам «меҳмон»лар билан ҳазил-хузул қилиб ўтирар экан, бир

Шерзод АЛИХОНОВ,

Бoш прокуратура АМИБ катта терговчиси

махал Комилга қараб, ўйламай-нетмай, «менга қара, балки онанг ҳам сени менга ўхшаб боққан бўлса керак-а», деди-ю... Бу гапларни эшитиб, Комилнинг зардаси қайнади. Қаҳқаҳа отаётган Мукаррамга ўқрайиб турди-да, тўсатдан столдан пичокни олиб, аёлга санчди. Аёл жон аччиғида бақира бошлагач, яна кетма-кет пичоқ урди.

Бақир-чақирни эшитиб, Клара ичкаридан отилиб чиқди. У ҳолатни кўриб, нима бўлганини тушунди-ю, дод солганча Комилга ташланди. Аммо шу заҳоти Собирнинг қаршилигига учради. Сўнгра Комилнинг қўлидаги пичоқ тигига рўпара бўлди... Улар Клара билан овора бўлишайтганда ичкаридан 15-16 ёшлардаги бола югуриб чиқди-да, Комилга кетма-кет мушт туширди. Бироқ унинг кучи навқирон йигитга етмади. Комил уни уриб, ерга йиқитгач, дуч келган жойига бир неча марта пичоқ санчди.

Moody's «Асака» банкнинг халқаро рейтингини тасдиқлади



Капитал ва активлари ҳажми жиҳатидан Ўзбекистонда етакчи банклардан бири саналмиш "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки ўз фаолиятининг бошиданок мамлакат молия хизматлари бозорига етакчи мавқега эга бўлиб, бу мавқеини доимий сақлаб келмоқда. Банк мамлакат иқтисодий ҳаётининг барча иштирокчилари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилан ҳолда, ўз олдиға мулкчилик шакли ва фаолият кўламиндан қатъи назар барча ҳўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳолининг барча ижтимоий қатламларига кенг кўламадаги

банк хизматларини кўрсатиш вазифасини кўйган. Банк ҳар бир миҳознинг индивидуал талабидан келиб чиққан ҳолда, асосий эътиборини кўрсатиладган хизматларнинг сифатига қаратмоқда.

Мамлакатимиз молиявий кудратини оширишга қаратилган қарорлар ва вазифаларнинг ижроси бўйича "Асака" банк томонидан республикада жажон иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишга қаратилган "Инқирозга қарши дастур" ижросини таъминлаш, шу асосда узоқ муддатли ўсиш ва ривожланишга эришиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорликни, асосий кўрсаткичларнинг илдам ўсишини таъминлаш ва уларни жажон стандартлари талаблари даражасига етказишга интилиш орқали юқори рақобатбардорш, ички бозор ва экспорт талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатиладган миҳозларга ҳамда хорижий ҳамкорларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Бунини эса, мамлакат

ички рейтинг компанияларининг юқори рейтинг баҳолари ҳамда жажоннинг етакчи ва нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган юқори рейтинг баҳолари тасдиқлаб турибди.

Жумладан, 2013 йил 22 июлда "Moody's Investors Service" халқаро рейтинг агентлиги томонидан "Асака" банкнинг рейтинг кўрсаткичлари барча категориялар бўйича "BAKAPOR" даражада тасдиқланди.

"Асака" банкнинг юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлиши банкнинг халқаро майдондаги обрўсини янада ошиб бораётганлигидан ва мамлакат банк тизимидаги етакчилик мавқеини мустаҳкамлаётганлигидан далолат беради. Бу эса, "Асака" банкнинг яна бир бор ишончли банк эканлигидан гувоҳлик беради ва аҳолининг унга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Таъкидлаш жоизки, 2013 йил 1 июль ҳолатига банк жами активлари миқдори 4 150,6 млрд. сўмни, жами капитал 635,5 млрд. сўмни, кредит кўйилмалари ва лизинг хизматлари ҳажми

2 011,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Кредит портфели таркибида узоқ муддатли кредитлар 1 677,2 млрд. сўмни, шундан инвестицион кредитлар 1 441,7 млрд. сўмни ташкил қилди. 2013 йилнинг биринчи ярми давомида "Асака" банк томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини ривожлантиришга 640,3 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди, натижада 13,8 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 394,1 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Банк балансига қабул қилинган 46 та банкрот корхоналарнинг 39 таси янги инвесторларга сотилди. Банкрот корхоналар неғизда банкнинг 13 та шўба корхонаси ташкил қилинди. Ташкил этилган банк корхоналарига жами 92 млрд. сўмдан зиёд миқдорда инвестициялар киритилди. Ишлаб чиқариш фаолияти тикланган банкрот корхоналарда жами 232,4 млрд. сўм миқдорда маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва 38,6 млн. АҚШ доллари миқдордаги маҳсулотлар экспорт қилинди. 4200 тага яқин янги иш ўринлари яратилди.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 23 июлдаги 104/ч-сонли буйруғига асосан, Бекобод шаҳар ҳокимлигига қарашли, Бекобод шаҳар, С.Раҳмонов кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси — 160 240 000 (бир юз олтинчи миллион икки юз қирқ минг) сўм бўлган (кейинги ўринларда "Объект" деб юритилади), 2 қаватли қурилиш тугалланмаган погтурар жой биносини очик аукцион (ким ошди) савдоларига қўйилмоқда.

Объектнинг очик аукцион савдоси орқали сотилишнинг асосий шартлари:

- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Балансда сақловчининг номи: Бекобод шаҳар ҳокимлиги.

"EFFECT REAL GROUP" масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларини очик танлов савдоларига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Фарғона шаҳар ҳокимининг 25.07.2013 йилдаги 1559-01-22-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйиладиган эр уштакларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

1. Фарғона шаҳар, Қувасой ва Г.Абдулов кўчалари кесилишмасида жойлашган эр майдонда минифутбол майдончаси, музқаймоқ ва салқин ичимликлар савдо дўкони ҳамда икки қаватли соғломлаштириш маркази қуриш учун, қурилиш ости эр майдони 4724,0 кв.м. эр уштаксининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 4 152 207 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 6 ой.

2. Фарғона шаҳар, Юксалиш (Қувасой) кўчаси 78А-сонли кўп қаватли турар жой биноси орқа томонда янги барпо этиладган жибон рўпарасида музқаймоқ ва салқин ичимликлар сотиш шохобчаси ҳамда эғзи ўтириш жойи қуриш учун 360 кв.м. эр уштаксининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 316 425,6 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 6 ой.

3. Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний ва Бобур кўчалари ораллиғида автомобильларни сақлаш жойи, болалар майдончаси, музқаймоқ ва салқин ичимликлар сотиш шохобчаси қуриш учун, 2600 кв.м. эр уштаксининг доимий фой-

даланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 2 060 552 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 6 ой.

4. Фарғона шаҳар, Маданият кўчаси, 3 ва 10-сонли кўп қаватли турар жой бинолари ораллиғида енгил типдаги музқаймоқ ва салқин ичимликлар дўкони қуриш учун 108 кв.м. ҳамда атрофида муҳкамал қурилиш қилмасиди шарт билан ободонлаштириш ва ўқаламзорлаштириш учун 308 кв.м. эр уштаксининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 323 348,16 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 6 ой.

Мазкур қурилиш белгиланган объектлар шаҳардаги "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" лойиҳалаш институти билан келишишлари шарт.

Мажбуриятнинг бошланғич ҳажми Фарғона шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш бидлиришномаси матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 29 август кунни тўхтатади.

Талабгорларнинг конвертлари Фарғона шаҳар ҳокимлиги биносиди 2013 йил 30 август кунни соат 16:00да очилади ва 2013 йил 2 сентябрь кунни соат 10:00да мазкур ҳокимлик биносиди таклифи олиш деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилди.

Фаволият-иқтисослиги: Маъмурий бошқарув.

Эр уштаксининг умумий майдони — 318,78 кв.м., бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони — 191,82 кв.м.

"Объект"нинг савдоси 2013 йил 9 сентябрь кунни соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 6 сентябрь кунни соат 18:00.

Юқоридиғи "Объект" 2013 йил 9 сентябрь кунни сотилмаган тақдирда, такоррий савдолар 2013 йил 23 сентябрь ва 7, 21 октябрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такоррий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2013 йил 23 сентябрдаги савдо учун 20 сентябрь кунни соат 18:00; 7 октябрдаги савдо учун 4 октябрь кунни соат 18:00; 21 октябрдаги савдо учун 18 октябрь кунни соат 18:00.

Талабгорлар "Объект" бошланғич баҳосининг 15 фозидан кам бўлмаган, яъни 24 036 000 сўм миқдордаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охи-

ги кунгача ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон Ф-лигаги: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/р.га тўлашлари шарт.

Савдо натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси) билан олиш-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Туланган закалат "Объект" сотилиш баҳосининг 15 фозидан камни ташкил этса, савдо ғолиб объектнинг олиш-сотди шартномаси тузилганга қалар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаш шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақаман кўчаси, 17А-ўй. Тел/факс (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz. rietsavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001

Хизматлар лицензияланган

Эр уштаксига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва эр уштаксига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фозидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги МФО:00500, СТИР: 302128329, 202080000704943278001 х/р.га тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдордаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманомаси билан бирга қўйиладиган ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вақилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат

рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вақил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закалат тўланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-ўй 24-хона. тел. +99895 404 54 84 веб-сайт www.effect.uz. Лицензия 0094.

Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ва Тошкент вилоят прокуратураси жамоалари прокуратура фахрийси

Миниғул ВАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларида чуқур таъзия изҳор этади.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

E-mail:

huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kunlari chopadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farganishi mumkin. "HUQUQ" materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsatiga ega bo'lgan amalda oshiriladi. □ — tijorat material. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi

231

Buyurtma j-7719, 47 089 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. "HUQUQ" original maketi. Navbatchi muharrir: G.EHOJBOYEVA Musahhib: M.QAMBAROV Navbatchi: O'DENQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.

Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta "O'zbekiston" nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta "O'zbekiston" Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

